ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

22 октябрь, пайшанба 1998 йил №122(623)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2
БУЮК ЮРТНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИ
3
КОИНОТ СИРЛАРИ МАФТУНИ
4
ШИКАСТА ҚАЛБЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

М.Я.Куроловни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

1. Оилавий тўй-ҳашамларни ўтказишда ўтакетган шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйгани, эл-юрт одатларини менсимагани, раҳбарлик шаъни ва обрўсига иснод келтиргани, шахсий манфаатлари йўлида эгаллаб турган давлат лавозимини суиистеъмол қилгани учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Муродулла Ялғошевич Қуролов ўз вазифасидан озод қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ушбу ҳолатни амалдаги қонунчилик асосида ўрганиб, тегишли хулоса чиқарсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 21 октябрь

МЕҲНАТКАШ ҚАДРИ

Андижондаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси касаба уюшмаси қўмитасининг оила манфаатларини ҳимоялаш борасидаги иш тажрибасидан

Ҳозирги кунда компанияда 285 нафар аёллар меҳнат қилишади. Шулардан айримлари пенсионер бўлиб, жамоамиз ҳисобидан нафақа оладилар. Компаниямизнинг 261 оиласига фарзанд туғилиши муносабати билан бериладиган нафақа миқдори 410.400 сўмни ташкил қилади.

Ҳозирги кунгача моддий ёрдам пули умумий миқдори 2.531.322 сўмдир. Бундан ташқари 5 синфгача ўқийдиган болали оилаларга 361.223 сўм миқдорида ўқув китоблари олиб берилди. Ишчи-хизматчилар соғлиғини сақлаш, касб касалликларининг олдини олиш мақсадида улар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиладилар.

Заводдаги экологик аҳволни ўрганиш, ишлаб-чиқаришнинг экологияга салбий таъсирини бартараф қилиш бўйича ҳам ишлар олиб борилаяпти. Кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари диққат марказида.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишчи - хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масаласида аниқ тадбирлар амалга ошириляпти.

Улар яхши ишлашлари ва дам олишлари учун шарт-шароит яратилган. Хусусан, икки маҳал касаба уюшма ҳисобидан овқат ташкил қилинди. Меҳнатчилар 2 комплектдан ёзлик ва қишлик иш кийимлари билан таъминландилар.

Масалан, Андижондаги «Айболит» болалар клиникасида 12 нафар ногирон ишчи болалари даволантирилди. Бунга -38400 сўм корхона ҳисобидан ўтказилди.

Вилоят клиник шифохонасида 1997 йилда 15 нафар ва 1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида 12 нафар ишчи-хизматчи даволандилар. Клиник шифохоналарга шартномага асосан корхона ҳисобидан ўтган йили 300.000 сўм, 1998 йилда эса яна 300.000 сўм маблағ ўтказиб берилди.

Иш ҳақи ўз вақтида бериб борилмоқда. Ишчиларни ўқитиш ва қайта ўқитиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир меҳнатчи Жанубий Корея республикасида камида 6 ой бўлиб технологик жараёнларни пухта ўрганиб қайтмоқда.

Одамларимиз пенсияга чиқишлари пайтида 1 ойлик маошидан 3 ойлик маошигача корхона ҳисобидан моддий ёрдам пули, совға ва фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш йўлга қўйилди.

Бизда «Базм» ансамбли фаолият кўрсатиб келмоқда. Санъаткорларимизга 500.000 сўмлик музика асбоблари олиб бердик. Шу боисдан ишда сифат ва самарадорлик таъминланяпти.

М.ОЛИМОВ,
Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

С Е У Л. АҚШ ҳарбий қўмондонлиги 27 октябрь куни Корея ярим оролида Жанубий Корея куролли кучлари билан ҳамкорликда «Фоул Игл-98» ҳарбий машғулотининг бошлашини эълон қилди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, ҳозир Американинг 27 минг нафар ҳарбийлари Корея ярим оролида бўлажак машғулотларга тайёргарлик кўрмоқда. Уни ўтказишдан мақсад Жанубий Корея ҳарбийларининг ўз чегара ҳудудларини ҳимоя қила олиш салоҳиятини синаб кўришдир.

* * *

У М М О Н. Иордания энергетика вазири Хон ал-Мулкий расмий ташриф билан Бағдодга келди. Вазир ташриф давомида Ироқ раҳбарияти билан нефт қувури қурилиши лойиҳаси ҳамда Ироқдан Иорданияга экспорт қилинажак нефт маҳсулоти ҳажми билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашади.

Маълумотларга қараганда, нефть қувури Ироқдаги Ҳадис нефть конидан то Иорданиянинг Қизил денгиз бўйидаги Акаба бандаргоҳигача бўлган масофага ётқизилади. Мазкур қурилиш лойиҳаси 350 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, ундан йилига 150 минг баррелей нефт ҳайдалади.

* * *

В И Н Д Х У К. Маълумки, 18 октябрь куни Нигериянинг Жануби-шарқида жойлашган Варри шаҳрида нефт қувури портлаб кетган ва бунинг оқибатида 200-250 киши ҳалок бўлган эди.

Кейинги маълумотларда эса қурбонлар сони 700 киши экани айтилаяпти. Айни чоғда фалокат юз берган жойда қутқарув ишлари давом этаётир. Текширувчиларнинг айтишича, ҳалок бўлганлар сони яна ҳам кўп бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

* * *

М О С К В А. Россия ялпи ички маҳсулоти жорий йил сентябр ойида ўтган йилнинг шу даврига қараганда 9,9 фоизга қисқарган. У ҳозир атиги 257 миллиард рублни ташкил этмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатда саноат ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши сентябрь ойида ўтган йилгига нисбатан 14,5 фоиз, қишлоқ хўжалигида эса 15 фоизга етди.

/ЎзА/



Тўрақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Абдусаттор Раҳимов бошлиқ бригадаси аъзолари 38 гектар майдонга плёнка остига чигит экишган эди. Улар ҳар гектар майдондан 38,8 центнердан пахта олишга қарор қилишган. Шу кунларда жамоада йиғим-терим қизғин бормоқда.

Суратларда: бригада бошлиғи А.Раҳимов теримчилар билан; пудратчи Абдурашид Умаров.

Аҳмадали ЮСУПБОЕВ олган суратлар.

ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Аҳмад Яссавий номли қишлоқ хўжалик ширкати пахта йиғим-теримида Юқори Чирчиқ туманида пешқадамлик қилмоқда. Шубҳасиз бу илғорликда касаба уюшма қўмитасининг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, қўмита аъзолари тузилган тадбирларнинг ижросини таъминлаш, яратилаётган шарт-шароитларнинг эҳтиёжни қондираётганини ёки йўқлигини назорат қилиб боришар экан, пахтани қабул пунктига ташишда тадбирга қўшимча киритиш лозимлигини сезди. Масалан, кун бўйи терилган пахтанинг кўпроқ қисмини кечаси ташишга тўғри келиши ҳисобига пахта қабул қилиш шахобчасида ҳайдовчилар туриб қолиши ва вақтдан ютқазиш ҳоллари учраб тураркан. Шу боис қўмита таклифи билан тунда пахта ташувчиларга ҳар тоннаси учун 39 сўм ўрнига 52 сўмдан тўлана бошланди.

Пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун ишлаб чиқилган тадбирларга вазиятга қараб қўшимча ўзгартиришлар киритиб борилди. Бу эса йиғим-теримни қисқа муддатларда ва сифатли ўтказишга ижобий таъсир ўтказмоқда.

Шу билан бир қаторда қўмита бошчилигида тайёрланган тадбирда йиғим-теримга алоқадор ҳар бир кичик вазият ва ҳолат ҳисобга олинган эди. Масалан, исрофгарчиликка чек қўйиш мақсадида йўлларда сочилган пахтани териб олувчиларга алоҳида эътибор берилаяпти.

Энг кўп пахта ташишга эришган транспорт ҳайдовчиларига биринчи ўрин учун 5000 сўм, иккинчи ўрин учун 3000 сўм, учинчи ўрин учун 2000 сўм мукофот белгиланди. Мавсумда энг кўп пахта терган теримчиларга ҳам шундай миқдорда мукофотлар тайин этилди. Механизаторлар учун биринчи ўринни эгаллаганга 100 килограмм вазндаги зотли бузоқ, иккинчи ва учинчи ўриндагиларга пул мукофотлари белгиланди. Йиллик режани биринчи бўлиб бажарган бригадани ўн минг сўмлик мукофот кутмоқда. Умуман йиғим-теримда иштирок этган ҳар бир соҳадаги жамоа, шахсга турли мукофотлар тайин этилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мавсумнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида яна қатор тадбирлар ўтказилаяпти. Мавсум бошидаёқ механик-ҳайдовчиларга аванс сифатида етти минг сўмдан пул берилди. Ижарачиларга ун, арзон нархда буғдой тарқатилди.

Пахта йиғим-теримида қатнашаётган механизаторлар, ижарачилар, ёрдамчиларга барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилмоқда. Жадвал асосида учта бўлимда туман бадиий ҳаваскорлари ва хўжаликнинг «Оқ олтин» эстрада гуруҳи концертлар қўйишмоқда.

Ширкат хўжалиги ҳар кунда йиллик режанинг 3-5 фоизи миқдорида пахта топширмоқда. шунинг учун ижарачилар бирин-кетин маррага яқинлашмоқда. Кўпгина бригадалар биринчи теримдаёқ гектаридан 23-25 центнердан «оқ олтин» йиғиб олдилар. Ҳар куни 5-6 фоиздан пахта топшираётган Ўткир Исмоилов бошлиқ бригада маррага яқинлашиб қолган бўлса, Усен Ниёзов раҳбарлигидаги жамоа аъзолари йиллик режанинг 80 фоизидан ошиб кетдилар.

Б. ПЎЛАТОВ.

Касаба уюшмалари қўмиталарида

МАДАНИЙ — АХБОРОТ МАРКАЗИ

«Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси корхона маданият саройи негизида ташкил этилган Маданий-ахборот маркази фаолиятини такомиллаштириш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, марказ ҳаражатларини маблағ билан таъминлаш, уни зарур анжомлар билан жиҳозлаш, шунингдек ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, моддий рағбатлантириш масалаларининг барчаси корхона бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 1998 йилга тузилган жамоа шартномасида ўз аксини топган.

Марказнинг 440 ўринли катта ва 140 ўринли кичик залларида мунтазам равишда оммавий-маданий тадбирлар, чунончи санъат усталарининг концертлари, маданият арбоблари билан учрашувлар, Мустақиллик ва Наврўз байрамларига, машинасозлар кунига бағишланган йиғинлар уюштирилмоқда. Катта залда ҳафтанинг беш кунида икки сеансдан бадиий кинофильмлар жамойиш этилмоқда. Бошқача айтганда унинг имкониятларидан бир йилда ўрта ҳисобда 275 кун фойдаланилмоқда.

Кичик залда оммавий-сиёсий тадбирлар уюштирилиб, унда ойда бир мартадан ижтимоий-сиёсий мавзуда лекция-суҳбатлар, иқтисодчилар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш органлари вакиллари, «Машинасозлар» маҳалласи оқсоқоллар кенгаши ҳамда хотин-қизлар қўмитаси аъзолари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Айниқса шу йилнинг I чорагида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўрганиш юзасидан ўтказилган машғулотлар туркуми тингловчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Корхонанинг жамоа шартномасида кўзда тутилган тадбирларга биноан раҳбарият жамоа ходимлари ва оила аъзоларининг никоҳ тўйларига марказ биносини имтиёзли равишда ижара ва маданий хизматлар учун ҳақ олмасдан тақдим этмоқда. Бу тадбирлар аньанага айланиб қолган.

Ҳозирги пайтда марказда «Илҳом» вокал-чолғу, «Қарс» рақс фольклор гуруҳлари замонавий бал рақси ва аэробика жамоалари, бичиш ва тикиш, радиоэлектроника ва шу каби 20 дан ортиқ ҳаваскорлик тўгаракларига 400 нафар ишчи-ёшлар жалб қилинган.

33 та тўгарак хоналаридан 4 таси ижарага берилган бўлиб, улардан тушаётган ижара ҳақи бино хўжалик харажатларининг чорак қисмини қопламоқда. Бундан ташқари, ижарачилар билан тузилган шартномага биноан уларнинг ҳар бири марказ фаолиятида муайян ишларни, чунончи иш қоғозларини кўп нусхада кўпайтириб бериш, радиоэлектрон аппаратларни созлаб ва таъмирлаш каби бир қатор ишларни бепул бажариб берадилар.

Марказнинг маъмурий ва ижодий ходимларини ойлик-маош билан таъминлаш ҳамда маданий-оммавий тадбирларни уюштиришга корхона касаба уюшма қўмитаси ҳар йили ўз бюджетидан 210-220 минг сўм маблағ ажратмоқда. Қолган харажатларни эса марказ маъмурияти пуллик хизматлардан тушаётган маблағлар ҳисобидан қоплаб, ходимларни мунтазам ойлик-маош билан таъминлашга эришмоқда.

Корхона бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси раҳбарлигида марказда олиб борилаётган ибратли ишлар билан бирга муассасада қатор муаммолар мавжуд. Кам таъминланган оила аъзолари учун бепул фаолият кўрсатадиган бадиий ҳаваскорлик жамоалари тузилмаганлиги, техника тўгараклари ташкил этилмаганлиги ва корхона мутахассисларининг малакасини ошириш мақсадида уюштириладиган ҳаваскорлик бирлашмалари ва клублари очилмаганлиги, бу ишларни ташкил этишда эса марказнинг бошқаруви аъзолари корхона жамоатчилигини, айниқса ёшларни етарли даражада жалб этмаганлиги ютуқларга соя ташлаяпти.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Обуна - 99»

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Республикамизда пахта йиғим- терими қизғин давом этмоқда. Зафар маррасини эгаллаётган жамоалар сони ортиб бормоқда. Теримчилар, механизаторлар дақиқалар қадрига етиб кун сайин суръатга-суръат қўшишмоқда.

Пахтазорларда меҳнат жўш урган ана шундай кезларда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси йиғим- терим ишларини янада жадаллаштириш, меҳнатчиларни рағбатлантириш мақсадида хайрли ишга қўл урди. Яъни, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмалари жорий йилнинг 15 ноябрига қадар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда катта хирмонга муносиб улуш қўшаётган олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар талабалари, мактабларнинг ўқувчиларини, ходимларни турли матбуот нашрлари, шу жумладан «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарига 1999 йил учун ўз ҳисобларидан обуна қилишга қарор қилдилар.

Хайрли ташаббус кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Мухбиримиз бонг уради

ШАРОИТ ВА РАҒБАТ БЎЛМАГАЧ

Бир пайтлар Қизириқ Сурхондарё вилоятининг пешқадам туманларидан эди. Сўнгги йиллар ичида у қолоқлар сафига тушиб қолди. Сабабларини атрофлича таҳлил этиш учун хўжаликларда бўлиб, раҳбар ва мутахассислар, деҳқонлар билан очиқчасига мулоқотда бўлдик. Асосий касал йил - ўн икки ой далада сидқидил тер тўкаётган заршуноснинг унумли ишлаши, кўнгилли дам олиши учун етарли шарт-шароит яратилмаганлиги, моддий манфаатдорликни таъминлашга оид тадбирлар қоғозда қолиб кетаётганлигидир. Худди шу камчиликлар туфайли туман бултур давлатга пахта топшириш режасини бажаролмади. Қизириқ шартномадагидан 60 минг тонна хом ашё қарздор бўлиб қолди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бултур пахтачиликдан олинган даромад кетган сарф-ҳаражатларни қопламади. Бизни таажжубга солган нарса шу бўлдики, айрим мутасадди раҳбарлар, хусусан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Э.Нурматов ҳар гапнинг бирида «бундай бўлиши мумкин эмас» деб турибди. Шундан сўнг ён дафтаримизни бир-бир варақлаб бултур туманнинг таянч хўжаликлари, Охунбоев номли, «Кунчиқиш» хўжаликларида тармоқдан катта иқтисодий зарар кўрилганлигини айтганимизда, суҳбатдошимиз ноқулай аҳволга тушиб қолди.

Равшанки, мақсадга эришишнинг асосий омилларидан бири, йиғим-теримда иштирок этаётганларга қулай шарт-шароитлар яратишдир. Хўжаликларда худди шу муҳим масалага кўнгилдагидек эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Йиғим-теримда жами 16 минг нафардан зиёд теримчи ва ҳашарчи иштирок этмоқда. Бир кишининг кунлик иш унуми 20 килодан ошмаяпти. Демак, овқат пули ҳам қопланмаётир. пойабзал, уст-бош ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Қизириқликлар жорий йилда 39.300 тонна пахта етиштиришга аҳд қилишган. Ҳал қилувчи дамлар ўтиб бормоқда. Бахтга қарши, умумий натижа бу йил ҳам қувонарли эмас. Суръат ҳеч кимни қаноатлантирмаётир. Туман бўйича бултур 17 октябрга қадар йиллик режанинг 72 фоизи миқдорида пахта тайёрланган эди. Бу йил эса мазкур кўрсаткич 66 фоиз бўлиб турибди.

Иш орқага кетишининг яна бир сабаби, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш кўнгилдагидек эмас. Бир мисол келтирайлик, «Гиламбоп» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси меҳнатчилардан 39 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи қарздор бўлиб қолди. Бу ҳар қандай кишини қаттиқ ўйлантириб қўйиши табиий. Ҳайратланиб, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ч.Умировга юзландик: «- Туман бўйича 15-30 сентябрда терилган пахтанинг ҳақини октябрнинг бошида бердик. Шу боис, хўжаликларнинг иш ҳақидан кредиторлик қарзлари ошиб кетди...

Ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Республикамиз ҳукумати махсус қарор чиқариб, пахтакорнинг, механизаторнинг иш ҳақи беш кунда мунтазам равишда бериб борилиши юзасидан катта меҳрибонлик кўрсатаётган бир шароитда бу ердаги каби баъзи кимсаларнинг ўзбошимчалиги, совуққонлиги одамларга қимматга тушмоқда. Энг ёмони, бундай камчиликлар турли чалкашликлар, тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Қизириқ машина теримига ихтисослашган. Ўтган йили бор-йўғи 374 тонна ҳосил пўлат этаклардан тўкилди, холос. Ҳозиргиси эса 200 тоннадан сал ошибди. Далаларни айланиб, ҳосил чўғи пастлигига иқрор бўлдик. Бурч масъулиятини чуқур ҳис қилган фидойи кишилар қўлларидан келган барча имкониятни ишга солишаяпти. Ҳал қилувчи дамларда ғўза парвариши ўз ҳолига ташлиб қўйилганлиги учун мана энди барака бўлмаяпти.

Кўчаларни айланамиз. Деярли ўзгариш йўқ. Бошқа ерларда бўлгани каби кўзни қувнатувчи маданий-маиший бинолар бу ерда орзуга айланган. Жилла бўлмаса, асосий кўчалар дурустгина тартибга келтирилмаган. Биз - газетачиларни ташвишга солган яна бир нарса етакчи раҳбару мутахассисларда қандайдир бир куйинчаклик, иш юришмаётганидан ҳижолатланиш сезилмайди. Қизириқ қолоқликка кўникиб қолган кўринади.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистонда туғилиб вояга етган Имом ал-Бухорий ўз илми билан ислом дини келиб чиққан Маккаи муккаррама ва Мадинаи мунаввара аҳлини ва барча дин пешволарининг таҳсинига сазовор бўлди. Шу кунларда унинг руҳини ёд этиб амалга оширилаётган тадбирлар алломанинг асрлар оша барҳаётлигидан далолатдир.

Ислом КАРИМОВ

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига

БУЮК ЮРТНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИ

Ўзликни англаш ўз халқи тарихини чуқур билишдан, миллий қадриятларни эъзозлашдан, миллий маънавият сарчашмаларидан баҳраманд бўлишдан бошланади. Айни мана шу мезонга кўра халқ ўз ўрни ва мавқеига эга бўлади, қадр топади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур масалаларга, хусусан миллий мафкурани шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўз даврида жаҳон илму маърифати ривожланишига бекиёс ҳисса қўшган буюк боболаримиз номи, шони ва нуфузини тиклаш борасида амалга оширилган ишлар бунинг энг ёрқин далилидир.

Шу кунларда Самарқанд заминига қадам қўйган киши улуғ бир тўйга тараддуд кўрилаётганини дилдан ҳис этади. Илло, нафақат юртдошларимиз, балки бутун башарият аҳли буюк ҳадисшунос Имом ал-Бухорий руҳига эҳтиром бажо айламоқда.

Ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш, йўл қўйилган маънавий басирликни тан олиш ҳам ўзига хос жасоратдир. Надоматлар бўлсинки, биз узоқ йиллар давомида ўз ўтмишимиздан узилиб яшадик. Босқинчилар тузуми шунга мажбур этди. Халқимизни абадул-абад муте қилиш мақсадида шўролар салтанатининг етакчилари ақл-заковати юксак миллатдошларимизни ўз меросидан узиб қўймоқни исташди. Маълум маънода бунга эришишди ҳам. Гарчи тарих тўфонлари улуғ алломалар номини халқ хотираси ва қалбидан ўчиролмаган бўлса-да, очиғи, биз Имом ал-Бухорийдек буюк ватандошларимизни эндигина англаяпмиз. Бу не ҳолки, башарият маънавияти ва маърифати ривожига тенгсиз ҳисса қўшган, Шарқнинг улуғ алломаси Имом ал-Бухорий мероси собиқ Иттифоқ даврида мутлақо ўрганилмаган. Фақат 1974 йилда юзакироқ, ўртача миқёсдаги анжуман ўтказилган, холос. Худди шу сабабли ҳозирги Челак туманининг Хартанг қишлоғидаги Бухорий қабри ҳам эътибордан четда қолдирилган эди. Ҳолбуки, ўша даврда ҳам ислом оламининг хориждаги намоёндалари ташриф буюришганда Имом ал-Бухорий қабрини зиёрат қилиш истагини билдиришарди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина Имом ал-Бухорий руҳи ҳам қадр топди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги махсус қарорига имзо чеккан Ислом Каримовнинг ташаббуси ва таклифи билан Имом ал-Бухорий масжид мажмуида катта бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

«ИМОМ БУХОРИЙГА ТЕНГ БЎЛАР КИМ БОР?»

Ҳазрат Имом ал-Бухорий қолдирган маънавий меросни ўрганиш, тўплаш, халқимизни ундан баҳраманд қилиш тадбирлари ҳозир кенг кўлам касб этган. «Имом ал-Бухорий» халқаро хайрия жамғармасининг ижрочи директори Душан Файзи Зарафшонийнинг таъкидлашларича, Имом ал-Бухорий 30 га яқин китоб ёзган. Ҳозирга қадар унинг 23 таси аниқланган. Дастлабки изланишлардаёқ Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида, Самарқанддаги Хожа Зудмурод масжиди кутубхонасида , Алихонтўра Соғуний шахсий кутубхонасида , Кўшработ туманидаги шахсий кутубхоналарда ҳазратнинг китоблари мавжудлиги маълум. Ана шу асарларни оммага етказиш йўлида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Имом ал-Бухорий ислом динининг поклигини сақлаб қолишда фидойилик кўрсатган ва сақлаб қолаолган алломадир. Тарихий маълумотларга қараганда, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг анча йиллар ўтиб бошланган ихтилофлар даврида ислом дини ғояларини бузиб талқин қилишдек хатарли оқим пайдо бўлади. Ислом динининг мухолифлари сохта ҳадислар тўқиб исломнинг моҳиятига путур етказишга урунишади. Шу жараёнда Муҳаммад пайғамбар ҳадисларининг поклигини сақлаб қолишга, тўплашга ва асли ҳолида халққа етказишга эҳтиёж туғилади. Шу тариқа ҳадисшунослик - муҳаддислик юзага келади. Ҳадисларни тўплашда минглаб одамлар қатнашади. Аммо ҳеч ким мукаммалликка эришолмаган. Иммо ал-Бухорийгина мақсадга етган. Улуғ аллома 7200 дан ортиқ ҳадисларни тўплаб «Ал-жомеъ-ас-Саҳиҳ» китобини ёзди. Бу китоб энг биринчи ҳадислар китоби бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Имом ал-Бухорий муҳаддислар султони сифатида бутун ислом оламида тан олинди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, IX асрда яшаган муҳаддис олимларнинг етти нафари энг машҳур ва энг буюк сифатида эътироф этилади. Уларнинг уч нафари ватандошимиз бўлиб, муборак номлари ушбу рўйхатнинг аввалида тилга олинади. Имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Имом Доримий-Самарқандий шу қадар улуғ зотлардир.

Имом ал-Бухорий қарийб қирқ йил мобайнида оламнинг олти мамлакатида бўлиб, ҳадисшунослик ила машғул бўлди. Ўзга юртларнинг олиму фузалолари ҳам ул ҳазратнинг ақлу заковатига таҳсинлар айтганлар.

Тарихий манбаларда шундай бир воқеа қайд этилган. Бағдод халифаси ўз қасрига таклиф этиб, Имом ал-Бухорийга заррин тўн кийдиради. Одатга кўра муборакбод асносида алломани таъриф этмоқ, эҳтиромли лутф айтмоқ жоиз эди. Халифа ишораси билан Боғдод шайхулисломи шундай деган экан:

Имом Бухорийга тенг бўлар ким бор,
Унинг зар тўнига енг бўлар ким бор?

Қадами етган мамлакату шаҳарларда юксак иззат-икромга сазовор бўлишига қарамасдан Имом ал-Бухорий ўз Ватанига қайтиб келади. Умрининг охиригача исломнинг пок ғояларини тарғиб қилишда, халқ маънавиятини бойитишда фидойилик кўрсатади. Олимнинг китоблари туфайлигина ҳақиқий ислом дини аслича бизга қадар етиб келган, дейилса муболаға бўлмас. Шу сабабли, Имом ал-Бухорий қабри ислом оламида энг мўътабар зиёратгоҳлардан бири сифатида эътироф этилади. Ўрни келганда Президентимиз Хартанг қишлоғида бўлган чоғида айтган қуйидаги сўзларни эсга олиш кифоядир: «Ҳажга боришдан олдин одам ўзини англаши керак. Ўзини англаш эса шундай табаррук жойлардан бошланади».

ХАЛҚ ЭҲТИРОМИ

Буюк алломанинг улуғ тўйига ўзлигини англаётган халқ бел боғлаб тараддуд кўрмоқда. Сўзимизнинг аввалидаёқ айтишимиз керакки, жуда қисқа муддат - етти ойда масжид мажмуи қад ростлади.

Имом ал-Бухорий масжид мажмуи, яъни қайта бунёд этилаётган зиёратгоҳ майдони бир гектардан зиёд. Зиёратгоҳга фавворали улкан майдондан ўтиб борилади ва учта дарвозадан кирилади. Ўртадаги дарвозадан кирилганда рўпарангизда баландлиги 18 метрли мақбара намоён бўлади. Имом ҳазратларининг қабрлари мақбаранинг пастки қаватида, устки қаватда эса нефрит тошидан (Эрондан келтирилган) қабртош қўйилади. Мақбара ортидан бошланадиган айвон икки ёнга чўзилиб, бир томони янги масжидга, иккинчи томони маърифат масканига туташади. Мақбарани самарқандлик усталар қуришди. Айвон устунларини наманганлик усталар нақшладилар. Избосканлик усталар дарвозаларни ясашди. бир сўз билан айтганда Бухоро, Самарқанд, Андижон, Намангандан келган қўли гул усталар ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Қурилиш ишларининг асосий залворини Самарқанд вилоят жамоалараро қурилиш тресті, «Бунёдкор» жамоа корхонаси , Самарқанд кимё қурилиш трести, «Усто» бирлашмаси каби корхоналарнинг меҳнат жамоалари ўз зиммаларига олишди. Янги масжид мажмуига зеб бериб турган мармар тошлар Нуротадан, Тошкентдан, гранит тош Бухородан келтирилди. Қурилиш-меъморчилик ишларида замонавий услуб ва шарқона анъаналар уйғунлашувига эришилди.

Зиёратгоҳ мажмуи таркибида эндиликда масжид, маърифат ва маънавият маскани, Қабуллар уйи, мажлислар зали, кутубхона, музей, чойхона, китоб ва ёдгорликлар дўкони мавжуд. Зиёратгоҳ ҳовлисидаги сарҳовуз ва чинорлар бу ерга янада салобат бағишлайди. Бу улкан чинорлар соясида Имом ал-Бухорийнинг ўзлари ўтирганлар...

Масжид мажмуи атрофида мавжуд боғ кенгайтирилиши мўлжалланган. Унинг ёнида яна 20 гектарли Имом Бухорий номли боғ ташкил қилинаяпти.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи бунёд этилиши қаторида атроф ҳудудларда жуда катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Хусусан, Даҳбед қўрғонидан ёдгорлик мажмуигача бўлган 15 чақирим масофага йўл тўлиқ қайта таъмирланиб, жаҳон андозалари даражасига етказилди. Оқдарё устига янги кўприк қурилиб, ҳаракат икки томонлама бўлиши таъминланди. Йўл четларига дарахтлар экилиб, кўкаламзорлаштирилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, зиёратгоҳ сари йўл том маънода очилди.

РУҲ МАНГУ БАРҲАЁТ

Имом ал-Бухорий номи расман абадийлаштиришга асло муҳтож эмас. Буюк олим мероси унинг дунё қадар барҳаётлигининг кафолатидир. Шундай бўлса-да бир қанча ишлар бажарилди. Самарқанд вилоят ҳокимлигининг таклифи ва Челак тумани ҳокимининг қарори билан ал-Бухорий номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги собиқ «Ижодкорлар боғи», «Имом ал-Бухорий» халқаро жамғармаси ихтиёрига берилди. Самарқанд шаҳридаги кўчалардан бири эндиликда аллома номи билан юритиладиган бўлди.

Биз учун муҳими Имом ал-Бухорий руҳи юртдошларимиз қалби ва шуурига чуқурроқ сингиб бораётганлигидадир. Жамғарманинг ташаббуси ва ҳомийлигида бир нечта китоблар нашр қилинди. Кўплаб жамоаларда, хусусан вилоят ички ишлар бошқармаси,, молия-иқтисод коллежи, кўплаб мактабларда, Самарқанд давлат университетида анжуманлар, давра суҳбатлари каби тадбирлар бўлиб ўтди. Алоҳида таъкидлаш керакки, булар шунчаки расмиятчилик тарзидаги тадбирлар эмас, балки миллий ўзликни англаш йўлида, маънавий камолатга эришиш йўлида собитлик билан қўйилаётган қадамлардир.

ФАХР

Ёдгорлик мажмуида бўлиб улуғ савоб ишда иштирок қилаётган кишилар билан суҳбатлашдик.

- Мустақиллик туфайли ўтмишдаги улуғ кишиларимизнинг номлари тикланаяпти. Самарқандда Улуғбекнинг, Амир Темурнинг юбилейлари ўтди. Эндиликда Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигини нишонламоқдамиз. Бу тадбирларнинг аҳамияти катта,-дейди уста С.Мирзаев кўпчиликнинг фикрини ифодалаб, - ёшларни ватанпарвар, халқпарвар қилиб тарбиялашда ҳам бунинг аҳамияти катта. Қисқаси, ҳар қанча фахрлансак оз.

Ўзбекистон тупроғи муқаддас. Самарқанду Бухоро каби қадимий шаҳарлар заминида табаррук зотларнинг, ўз ақлу заковати билан оламни лол қолдирган, башариятни маърифатга, эзгуликка бошлаган буюк алломаларнинг муборак излари қолган. Бул зотлар энг юксак таъриф ва мақтовлардан ҳам юксакроқдирлар. Биз фақат фахрланишимиз ва уларга муносиб бўлмоғимиз даркор.

Беихтиёр юртбошимизнинг бугунги улуғ ишларининг моҳиятини ифодаловчи сўзлари ёдга тушади.

«Ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн Синолар, Улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донғи кетган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим».

Бундай буюклик ва доҳиёна эътироф қошида таъзим жоиз, холос.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОВРУПОЛИКЛАР ЭЪЗОЗИ

Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асарини овруполиклар анча илгари эшитган, билган бўлсалар-да, бу нодир асарни инглиз, француз, олмон тилларига таржима қилиш ва илмий тадқиқ этиш ишлари XIX аср ўрталаридан бошлаб жонланди. К. Брокельман, У. Пирсон, Ф. Сезгин каби овруполик олимлар «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асарининг арабча матни асосида ҳадислар ҳақида дастлабки илмий мақолаларни эълон қилдилар.

К. Брокельман каталогидаги маълумотларга кўра, Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асари таржимасининг илк нашрлари қуйидагилардир:

Ҳижрий 1262 (милодий 1845-46 йил), Бомбей нашри. Тошбосма (литография).

Ҳижрий 1270 (милодий 1853-54 йил), Деҳли нашри. Тошбосма.

Ҳижрий 1280 (милодий 1863-1864 йил), Қоҳира нашри, («Булоқ» матбааси).

Ф. Сезгин берган маълумотларга кўра:

Қоҳирада «Булоқ»да Усмонийлар султони Абдулҳамид Соний (1876-1909) фармони билан нашр этилган арабча матни. Ҳижрий 1311-1313 (милодий 1893-1896 йиллар).

Бу орада француз олимларидан Октав Уда мазкур асар устида иш бошлади ва Парижда 1903-1916 йилларда унинг қарийб 3000 саҳифадан иборат 4 жилдлик французча таржимасини нашр этди. Бу нашрга Октав Уданинг истеъдодли шогирди, таниқли исломшунос олим Уильям Марсе таржимон сифатида ҳамкорлик қилди.

«Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»нинг олмонча таржимасини амалга оширган Лудольф Крел (1852-1901) ҳақида атоқли исломшунос олима Анна-Мария Шиммель ёзишича, асарнинг мана шу таржимаси ва изоҳларини тузиш Крелнинг докторлик илмий тадқиқоти эди. Лудольф Крел 1850 йилда эълон қилган мақоласида ёзишича, Лейпцигда аллома асарининг жуда яхши сақланган қўлёзмаси бўлган. Крел аниқлашича, француз олими Луи Жюль Долфью «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»ни тадқиқ қилишга киришмоқчи бўлиб, мазкур қўлёзма нусхасидан 1300 бетини (ўз қўли билан арабий ёзувдан) кўчирган. Афсуски, у 1846 йилда вафот этган. Француз олимининг шогирдлари ва издошлари икки йилдан сўнг шу бебаҳо меросни Париждан Германияга каминага юборганлар, деб ёзади Крел. Ёш олмон исломшуноси мазкур асарнинг тадқиқотига сидқидиллик ва ғайрат билан киришган. Аммо у ўша вақтда унда «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асарини чуқур ўрганиш учун зарур билимлар етишмас эди. Мисол учун, Крел ўша вақтда «Ал-Бухорий аввал ровийларнинг катта таржимаи ҳоли луғатини тузган, сўнгра ўртача, кейин эса кичик луғатини тузган» деб ёзади. Аслида эса ундай эмас. Олим Германия ҳукуматининг ёрдами билан салкам йигирма йил давомида меҳнат қилиб, 1862-1866 йилларда мазкур асарнинг араб ва олмон тилидаги уч жилдини нашр этишга муваффақ бўлди.

Л. Крел вафотидан сўнг унинг ишини голланд исломшунос олими Йуйнболл давом эттирди ва мазкур нашрнинг тўртинчи жилдини 1852 йили Бомбейда, 1853 йили Деҳлида босмадан чиқарди...

Кўпгина араб манбаларида Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асарини Ал-Фирабрий, Ан-Насафий, Ан-Насовий, Ал-Паздавий каби шахслар энг кўп ривоят қилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин бошқа манбалардан маълум бўлишича, кейинчалик аллома асарини ривоят қилганлар орасида аёл муҳаддислар ҳам бўлган. Масалан, Карима бинт Аҳмад ал-Марвазиййа. Қизлар орасида ҳатто турмушга чиқмасдан ҳаётларини Ал-Бухорийнинг асарини ўрганишга бағишлаганлари бўлган. Карима Макка шаҳрида яшаб, ўша ерда буюк ватандошимиз асарини ўрганиб, дарс беради ва жуда кўп ўқувчилар орттиради. Карима 98 ёшида вафот этади.

Мана қарийб ўн икки асрки, Имом ал-Бухорийнинг номи жаҳон аҳли томонидан дунёнинг энг буюк алломаларидан бири сифатида тилга олинади, эъзозланади.

Бахтиёр ЭШОНЖОНОВ,
аспирант.

АСРЛАР ОША



Челак туманидаги Хартанг қишлоғида улуғ ҳадисшунос Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига катта тайёргарлик кўрилди. Буюк алломанинг ҳоки қўйилган масжид қурилиши ва унинг атрофида ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда. Ушбу улкан мажмуани барпо этишда нафақат республикамиз вилоятларидан, ҳатто хориждан келган ҳунармандлар, қурувчилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

МУНОСИБ СОВҒА

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида буюк муҳаддис имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи учта янги рисолаларни кенг жамоатчиликка таништирув маросими бўлди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти томонидан чоп этилган «Имом ал-Бухорий ҳаёти», Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти нашр этган «Буюк муҳаддислар: «Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий», «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Муҳаддислар имоми» китоблари шарқшунос олим Убай-дулла Уватов қаламига мансуб бўлиб, муаллиф ва уни чоп этган нашриётларнинг адиб юбилейига муносиб туҳфаси деб эътироф этилди.

Маросимда муаллиф У.Уватов китобларнинг ёзилиши жараёни, манбалари ҳақида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан олимлар ва жамоатчилик вакиллари буюк муҳаддис, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур рисолаларнинг халқ маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшишларини алоҳида таъкидладилар.

МУҲАДДИСНИ ЙЎҚЛАБ

Буюк ватандошимиз, ҳадис илми султони имом ал-Бухорий таваллуди тўйига вилоятдаги ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, хўжаликлар муносиб туҳфа тайёрламоқда. Жумладан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг вилоят агентлиги Самарқанддаги «Бизнес маркази» қошида йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида янги авиакасса очди.

- Биз шаҳримизга ташриф буюрадиган хорижлик меҳмонлар, сайёҳларга намунали хизмат кўрсатишни мақсад қилиб қўйдик, - дейди агентлик бошлиғи Саид Зокиров. - Улуғ бобокалонимиз тўйига кўплаб меҳмонлар келиши кутилмоқда. Уларни эъзозлаб кутиб олиш, кузатиш, улар хизматида бўлиш бизнинг бурчимиздир.

Ҳ.ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

ПАЙҒАМБАР УММАТЛАРИНИНГ БЕЗАГИ

Бутун мусулмон дунёсига маълум ва машҳур бўлган донишманд аллома аждодларимизнинг муборак номлари тикланаётганлиги, бой мероси мусулмон дунёсида ўрганилаётганлиги бизни қувонтиради албатта.

Исмоил ал-Бухорийнинг меросини бугунга қадар ўрганаётган марказлар Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Саудия Арабистони, Индонезия ва Ҳиндистонда ишлаб турибди.

Ҳадис илмининг буюк билимдони Имом ал-Бухорийнинг хизматлари улкан. Жумладан, қоҳиралик машҳур исломшунос олим Аш-шайх Абдуссалом ал-Муборак Фурий ўзининг «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» асарида муҳаддиснинг ҳаёти ва илмий-маърифий меросини таҳлил этар экан, буюк алломанинг шеърий девонидан парчалар келтириб, ўз китобини мазмунан бойитади.

Ҳа, Исмоил ал-Бухорий мусулмон дунёсида порлаб турган бир юлдуздир. У ҳақда жаҳон олимлари шундай фикрда:

«Мен ул каби (Имом ал-Бухорий каби) бошқа бирор алломани учратмадим. Худо уни пайғамбар умматларининг безаги қилиб яратгандир» (Имом ат-Термизий).

«Ҳадисларни ўрганувчи ҳар бир киши унинг «Саҳиҳ»ига ишончли манба сифатида мурожаат этади, унинг ўзини эса бу илмнинг султони деб билади».

(Ханна ал-Фахри).

«Осмоннинг кўк гимбази остида ҳадисшуносликда ва ҳофизликда ул каби бошқа аллома йўқдир».

(Ибн Мадини).

«Имом Исмоил ал-Бухорий туғилиб ўсган, ул буюк зотнинг хоки қўйилган тупроққа қадам қўйганимдан ўзимда йўқ шодман. Ал-Бухорийнинг муборак қабрларини зиёрат қилиш аввал-азалдан ислом дини, фан ва маданият маркази бўлган Бухоро, Самарқандга ташриф буюриш мен учун катта орзу эди. Аллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, мақсадимга эришдим. Билсангиз, мен буюк азизу авлиёлар маскани бўлмиш Бухорою, Самарқандни ўз она юртимдаги Деҳли ва Бомбайдан ҳам устун кўраман».

(Муҳаммад Акром, Буюк Британия Оксфорд университети исломшунослик марказининг мударриси.)

«Имом ал-Бухорий мақбарасини кўриб зиёрат қилиш менинг энг улуғ орзуим эди. Ниятимга етганимдан чексиз ифтихордаман. Бу ерда мадраса очилгани мени янада хурсанд қилди. Унда таҳсил олаётган толиблар яхши мусулмонлар бўлиб етишадилар, деб ўйлайман».

(Ҳусайн Шерозий. Чикаго университетининг профессори)

Буюк аждодимиз - ҳадис илмининг даҳоси Имом ал-Бухорийнинг бизга қолдириб кетган бой маънавий мероси авлодларимизни бундан кейин ҳам улуғ инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашдек олийжаноб мақсад йўлида хизмат қилаверади.

Гулсара ОСТОНОВА,
тарих фанлари номзоди.

ИЛМИ ҲИКМАТ ҲАДИСЛАРИ

Исломнинг илк пайдо бўлиши, Муҳаммад алайҳис саломга пайғамбарлик рутбасининг берилиши ва Қуръони Карим оятларининг нозил бўла бошлаши биланоқ исломда илм ўрганишга тарғибот ҳам бошланди. Қуръони Каримда илмнинг фазилатлари ҳақида келган оятлар ва Расулуллоҳнинг илм, олим ва толиби илм ҳақидаги бир неча ўнлаб ҳадислари бунга гувоҳдир. Айниқса, Расулуллоҳнинг «Талаб ул-илми фарийзатун ала кулли муслимин ва муслима» («Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон эркак ва мусулмон аёлга фарздир») деган ҳадислари илм ўрганиш борасида улуғ шиор бўлиб янгради.

Имом Бухорий ҳам «ал-Жомиъ ус-Саҳиҳ» китобида илмга алоҳида китоб бағишланган. Бу китоб «Саҳиҳ» китобининг биринчи жузъида бўлиб, биринчи китоб «Иймон китоби» бўлса, иккинчиси «Китоб ул-илм» («Илм китоби») деб аталади.

Имом Бухорий Саҳиҳ»да илм учун 54 та боб ажратган. Унинг биринчи боби «Бобу фазл ил-илм» («Илм фазилатлари ҳақидаги боб») деб аталади. Имом Бухорий бу бобда Қуръони Каримда Аллоҳ таълонинг илм ҳақида буюрган икки оятини келтирган. Уларнинг биринчиси қуйидагича:

«Аллоҳ таъоло азза ва жалла айтади: «Аллоҳ сизлардан иймон келтирган зотларнинг ва илмга эга бўлган кишиларнинг мартабасини кўтаради, Аллоҳ сизларнинг қилаётган ишларингиздан хабардордир».

Имом Бухорий илм ҳақида келтирган 54 та боб билан танишар эканмиз, уларда, асосан, илм фазилатлари, илм олиш ва илм бериш одоблари баён қилинганини кўрамиз. Мақоламиз имконияти улардан баъзилари билан танишишгагина имкон беради. II-бобга назар солайлик. Бу боб «Ал-илму қобла-л-қовли ва-л-амал» («Бир ишни қилишдан ҳам, сўзлашдан ҳам аввал илм даркорлиги тўғрисида») деб аталади. Бундан кўриниб турибдики, ишни қилиш ва сўзни сўзлашдан аввал одам учун илм керак, илм иш ва сўзнинг тўғрилигига далил бўлади.

Имом Бухорий илм ҳақидаги боблардан яна бирини «Бобу ман ъалима ва ъаллама» («Илм ўрганмоқ ва илм ўргатмоқнинг фазилати») деб атайди. Бу бобда Расулуллоҳнинг икки нарсани муқояса қилиб айтган ҳадислари келтирилган. Биринчи муқоясанинг мазмуни шуки Расулуллоҳ илмни ёмғирга ўхшатади. Ёмғир унумдор ерга ёғади, ер уни ўзига сингдириб, бу ердан ўсимликлар униб чиқади. Баъзи ер қурғоқ ва қаттиқ бўлиб, сувни ўзида тўплайди, ундан одамлар фойдаланади, ҳайвон ва экинларни суғоради. Баъзи ер текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайди, кўкатни ҳам кўкартирмайди.

Расулуллоҳ мана шу уч ҳолатни илмга эга бўлган уч кишига муқояса қилади ва айтади: «Бир киши Аллоҳ илмини теран ўрганади, теран тушунади ва ундан манфаатланади, Аллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатади. Иккинчи киши илм ўрганиб, одамларга ўргатади, аммо ўзи амал қилмайди. Учинчи киши такаббурлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларга ҳам ўргатмайди. Булардан биринчиси мўъмин, иккинчиси фосиқ, учинчиси кофирдир».

.«Бобу рафъ ил-илм ва зуҳур ил-жаҳл» (Илмнинг йўқолиши ва жоҳилликнинг пайдо бўлиши») деган бобда ҳам Имом Бухорий Расулуллоҳнинг илм ҳақидаги икки ҳадисини келтиради. Ҳазрати Анасдан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ айтдилар:

«Илмнинг йўқолиши, жоҳилликнинг кучайиши, ароқхўрлик ва зинокорликни зоҳир бўлиши қиёматнинг аломатларидандир». (ал-Жомиъ, 18-б.).

Имом Бухорий «Бобу фазл ил-илми» (Илм фазилати ҳақидаги боб)да Расулуллоҳнинг Аллоҳ томонидан илмга кон қилиб яратилгани ҳақидаги ҳадисини келтиради. Расулуллоҳ айтдилар:

«Ухлаётган эдим, тушимда бир идишда сут келтирдилар, қонгунимча ичдим, ҳатто тирноқларимдан сут чиққанини кўрдим. Сўнг ошиб қолганини Умар ибн Хаттобга бердим». Саҳобалар: «Э» Расулуллоҳ, сутни нимага таъбир қилдингиз?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Илмга» деб жавоб бердилар. (ал-Жомиъ, 19-б.).

Сутнинг нима учун илмга таъбир қилинганини «Манҳ ул-Борий» асарининг муаллифи Ҳофиз Муҳаммад шундай тушунтиради: «Сутнинг илмга таъбир қилиниши шу важданки, ҳар иккиси фойда етказишда муштаракдур». Сут инсон овқати ва баданнинг қуввати, илм эса руҳ овқати, икки олам нажотидир. Чунончи ҳадисда айтилади: «Кимки бу дунёни хоҳласа, тижорат билан шуғуллансин, кимки у дунёни хоҳласа, зуҳду тақво билан шуғуллансин, кимки ҳар икковини хоҳласа, бас илм ўрганиш билан шуғуллансин». (Манҳ ул-Борий, 428-б.).

«Имом Бухорий ўз асарида эркаклар қатори аёллар ҳам таълим олганликлари ҳақидаги ҳадисларни ҳам келтирган. Чунончи ўқиймиз: «Абу Саъид ал-Кудрийдан: «Аёллар Расулуллоҳ (с.а.в.) га: «Эркаклар сиздан ҳар куни илм ўрганадилар, бизга ҳам бир кун ажратинг», дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кунни тайинлаб, ўша кун келгач, уларга ваъз-насиҳат айтдилар» (Ҳадис, 42-б.).

«Бобу-л-ҳаё фи-л-илм» (Илм ўрганишдан уялмоқ) деган бобда ҳам аёлларининг Расулуллоҳдан илм олганликлари баён қилинади. Чунончи айтилади:

«Ойша онамиз айтдилар: «Аёлларнинг яхшиси ансория аёлларидир, дин илмини ўрганмоқ учун уларга ҳаё монеълик қилмади». (ал-Жомиъ, 27-б.).

Хулоса қилиб айтганда, Имом Бухорий илм ҳақида йиққан ҳадислар асрлар давомида ўрганилди ва амал қилинди, улар илм олиш ва ўргатиш масалаларига асос бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари илк Исломда амал қилинган илм ўрганиш ва ўргатиш тарихини ўрганишда ҳам биз учун манба вазифасини ўтайди.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
шарқшунос олим.

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига

БАРҲАЁТ АЛЛОМАЛАР

СЎНМАС ЮЛДУЗ

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк бобоколонларимиз номларини барҳаётлаштириш, уларнинг бебаҳо илмий меросини ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Аҳмад ал-Фарғоний шахсини ўрганиш, унинг аниқ фанлар ривожида алоҳида ўрин тутган ноёб асарларини тадқиқ этиб, халқимизга етказишни жадаллаштириш ана шу жараённинг амалий натижаларидандир.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир.

Тарихдан маълумки, ўша даврда (IX асрда) халифалик ҳудуди Аббосийлар ҳукмронлиги остида эди. Худди шу даврда, 809-813 йилларда Аббосийлардан бўлмиш Ал-Маъмун Мовароуннаҳр ва Хуросонда валиаҳд сифатида ҳукмронлик қилган. У ушбу юртдан чиққан машҳур олимлар, сиёсатчиларнинг иқтидори, илмий салоҳиятини яхши англар ва уларга иззат икром билан муносабатда бўлар эди. Ал-Маъмуннинг ўз атрофига олим ва фозил кишиларни жамлаши унинг ҳокимияти асосини мустаҳкамлабгина қолмай, Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларидаги обрў-эътибори ва ҳарбий қудратини ҳам оширди. Аҳмад ал-Фарғоний ҳам халифа Ал-Маъмун саройида катта ҳурмат қозониб, халифанинг яқин маслаҳатчиларидан бирига айланди.

Аҳмад ал-Фарғоний VIII аср охирларида Фарғонанинг Қубо (ҳозирги Қува) шаҳрида дунёга келади. Қува шаҳри ўша даврнинг маданий-илмий марказларидан бўлган. 20 ёшгача Қува шаҳрида яшаб шу ерда таълим олади.

Ёш, навқирон Аҳмад олим сифатида Фарғона заминида шаклланади. Унинг номи ўша даврлардаёқ кенг тарқалиб, Марв (ҳозирги Туркманистоннинг Мари) шаҳрига таклиф этилади. Кўп ўтмай шунчалик эътибор қозонадики, 30-35 ёшларида уни «Тинчлик шаҳри» деб аталган Бағдодга «Билим уйи», яъни «Хизонат ал-ҳикма» ёки «Байт ул-ҳикма»га таклиф этишади.

Олимнинг бу ердаги фаолияти жуда маҳсулдор ва серунум бўлган. Унинг кўпчилик асарлари шу йилларда ёзилиб, китоб шаклига келтирилган. Унинг машҳур «Китоб жавомеъ илм ан-нужум вал-ҳаракат ас-самовия» («Астрономия ва сайёралар ҳаракати») китоби ҳам шу даврда яратилди.

Олимнинг асарлари XII асрдаёқ Италия, Франция ҳамда Германия университетларида ўқитила бошланди. Бу даврда «Китоб жавомеъ илм ан-нужум вал-ҳаракат ас-самовия» асари лотин тилига таржима қилинди. Айни пайтда Яъқуб Онадўлий томонидан иброний тилга ўгирилди.

Аллома Оврўпода Альфраганус номи билан машҳур бўлди. Китоблари Европада илк бор 1493 йили босма усулда италиялик Феррари исмли киши томонидан лотин тилида чоп этилади.

Олимга «Альфраганус» номини берган инсон - голланд олими Жакоб Жулиусдир. У 1669 йили Ал-Фарғоний китобини таржима қилдириб, чоп эттиради ва юқоридаги ном билан нашр қилади.

Бу ном ўрта асрлар уйғониш даври мутафаккирлари ўртасида шунчалик иззат ва икромда бўладики, Данте Алигьери олим номини ўз асарларида эслаб ўтган. Германия астрономия мактабининг вакиллари Речно Монтанус ва Ёхан Мюллерлар ўз илмий фаолиятларида Ал-Фарғоний ишларидан унумли фойдаланишган.

Унинг тадқиқотлари натижасида инсоннинг олам тузилиши, унинг қонуниятлари ҳақидаги тасаввури тамоман ўзгарган, шу боис Аҳмад ал-Фарғонийни ўрта асрлар дунё илмида туб бурилиш ясаган буюк аллома деб аташимиз жоиз.

У ер шарининг меридиан узунлигини ҳисоблаб чиқиб, унинг 6500 миля эканини аниқлади. Қуёш системасидаги сайёралар, кўплаб юлдузларнинг радиуси, улар орасидаги масофани ҳисоблаб чиқди. Ер шарининг ўз ўқи атрофида айланиши назариясини яратди. Европа сайёҳлари орасида Ал-Фарғоний тузган хариталар ўз муфассаллиги ва аниқлиги билан шуҳрат қозонган ҳамда эътиборли манбалардан бўлган. Бундан хулоса шуки, Колумб Америка қитъасини очишга йўналтирилган ўз сайёҳатида ватандошимизнинг хариталаридан ҳам фойдаланган.

Ал-Фарғоний Бағдоддаги Маъмун академиясидаги фаолияти давомида расадхонага раҳнамолик ва раҳбарлик қилади. 1022 дан ортиқ юлдуз ва сайёралар рўйхатга олиниб, уларга харита тузилади. Олим коинотни илмий ўрганиш ва таҳлил этишнинг янги усулларини ўйлаб топади, уларни амалий қўллашда катта муваффақиятларга эришади.

Аллома қадимги юнон олимларининг асарларини мукаммал ўрганди, уларга танқидий ёндашиб, хатоларини асосли тузатди ҳамда мазкур фанлар ривожини янада юқори босқичга кўтарди. Айниқса, Клавдий Птоломейнинг «Синтаксис Мажеста» («Улуғ тартибот») асари унга кўмак беради. Олим мазкур китобни илмий ўрганиб, таҳлил этибгина қолмай, балки унга шарҳлар ҳам ёзади. Шундай қилиб у қадимги юнон олимлари амалга ошира олмаган ишни бажаради, яъни Ер ва бошқа планеталар ўртасидаги масофани аниқлаб беради.

Буюк олимнинг қўлёзмалари дунё бўйича тарқалгандир. Американинг Принстон университети, Оксфорд, Берлин ва Гота университетлари, Санкт-Петербург, Қоҳира, Париж, Марокко ва Ҳиндистонда олим қўлёзмалари мавжудлиги рўйхатга олинган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг вафот этган йили аниқ эмас. Манбаларда унинг вафоти милодий 861 йилдан бир оз кейинроқ юз берганлиги ҳақида зикр этилади. Аллома умрининг охирги йилларини Мисрда ўтказиб, Фустотда нилометр иншооти қурилишига бошчилик қилган. Тарихий манбалар олимнинг мазкур иншоот қуриб битказилганидан кейин кўп ўтмай вафот этганлиги ҳақида хабар беради.

Аҳмад ал-Фарғоний кўплаб қомусий асарлар муаллифи эканлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Бироқ унинг баъзи ишлари бизгача етиб келмаган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Китоб жавомеъ илм ан-нужум вал-ҳаракат ас-самовия» асари унинг энг муҳим илмий ишларидан бири ҳисобланади. Бу асар араб олими Ибн ан-Надимнинг (X асрда яшаб, ижод қилган) «Китоб ал-Фиҳрист» рисоласи библиографиясига киритилган ва шарҳланган. Ал-Фарғонийнинг мазкур асари тахминан 5000 саҳифадан иборат бўлган. Унинг нусхаси ҳозирда Истамбулдаги Аё София музейида сақланади. Бу асарга алломанинг замондоши Абдулазиз ал-Қубайсий батафсил шарҳ ёзган.

Бобокалонимиз ўзидан кейин нафақат улуғ ном, балки бебаҳо мерос ҳам қолдирди. Унинг муҳандислик, меъморчилик, астрономия, математика, география, геодезия ва фаннинг бошқа соҳаларида амалга оширган ишлари, яратган назариялари инсоният тараққиётининг ривожланишида ўз мавқеи ва салоҳиятига эга бўлди. Унинг илмий мероси, салмоқли тажрибаси Темурийлар ҳукмронлиги давомида (1370-1500 йиллар) илм-фаннинг гуркираб ривожланиши, айниқса, Улуғбек даврида Мовароуннаҳр фалакиёт, математика, география фанлари мактабининг шаклланиши ва тараққий этишига замин яратди.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг шахсияти, ижодини тадқиқ этар эканмиз, унинг улуғ номини халқимизга яқиндан таништириш, амалга оширган ишлари, ютуқлари билан фахрланишимиз лозим. Бу эса, ўз навбатида, халқаро ҳамжамиятда ўзимизнинг муносиб мавқеимизни эгаллашимизда муҳим ўрин тутади.

Неъматулла ИБРОҲИМОВ,
ЎзР ФА мухбир аъзоси,
филология фанлари доктори, профессор.

ИТАЛЬЯН АДИБИ ЭЪТИРОФИ

Машҳур итальян адиби Алигьери Дантенинг асарларини ўқир экансиз адиб IX асрда яшаб ижод этган буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний тадқиқотларига бир неча марта мурожаат этганлигини эътироф этади. «Янги ҳаёт», «Базм», «Илоҳий комедия»-асарларида фалакнинг тузилиш тартибини тасвирлаганда бевосита ал-Фарғонийнинг коинот ҳақидаги асарларига суяниб қалам тебратади.

А.Данте инсон руҳий олами, дунё сиру синоатлари ҳақида фикр юритар экан Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари» қўлланмасидан таъсирланиб, унга асосланганлигини баён этади.

Биргина шу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, демак буюк аждодимиз Ал-Фарғонийнинг жаҳон илми равнақига қўшган ҳиссаси бетакрор ва ўлмасдир.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
ТошДУ илмий ходими.

Буюк астроном, муҳандис ва тадқиқотчи ал-Фарғоний номи бутун маърифий дунёда машҳурдир.

Кўпгина асрлар мобайнида денгизчи ва карвонбошилар фойдаланган, юлдузларнинг ҳаракатини ўлчайдиган асбоб-устурлобни ал-Фарғоний кашф қилган.

Мисрдаги Нил дарёси сатҳини аниқ белгилаб берадиган, бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган улкан иншоот - нилометрни ўша зот барпо этган. Биз ана шундай буюк аждодларимиз номини фахр билан тилга олиш ҳуқуқига эгамиз.

Ислом КАРИМОВ

КОИНОТ СИРЛАРИ МАФТУНИ

Ал-Фарғоний 20 ёшига қадар Фарғонанинг маданий шаҳарларидан бири ҳисобланган Қубо (Қува)да яшаб, илм ўрганди. Лекин булар чуқур салоҳият эгаси учун етарли эмасди. Шунинг учун у хорижий мамлакатлардаги бой кутубхоналарда бўлиб, араб тилидаги китобларнинг асл нусхалари билан танишишни мақсад қилиб қўйди. Ўзген, Ош, Хожакент, Исфара, Куфт, Басра, Дамашқ каби шаҳарларда бўлиб, кузда Бағдод шаҳрига етиб борди. Грек тилини ўрганди ва грек алломаларининг асарларини таржима қилишга киришди. Осмон жисмларини кузатиш бўйича алоҳида дафтар очиб, унга фикр-мулоҳазаларини ёзиб борди.

Бир куни китоб дўконига чеҳраси очиқ, баркамол бир киши кириб ўзини Абул-Аббос ал-Хоразмий деб таништиради ва ал-Фарғонийнинг қўлидаги қўлёзмасига кўзи тушиб, уни сўраб олади. Қўлёзмада тригонометрик ҳисоблашлар, астрономик чизмалар мавжуд бўлиб, иш ҳали охиригача тугалланмаган бўлса ҳам, унинг муаллифи чуқур билимли киши эканлигига ишонч ҳосил қилади. Қўлёзмани ал-Фарғонийга бера туриб, буни ёзиб бўлганингиздан сўнг, менга келтириб кўрсатинг, деб алоҳида тайинлайди.

Ал-Фарғоний 815 йилда етти қисмдан иборат биринчи китобини ёзиб, ал-Хоразмийга тақдим этади. Олим китобнинг баъзи жойларини кўздан кечириб, унда тасвирланган тригонометрик ҳисоблашларни, астрономик чизмаларни, ўлчов аппаратлари чизмаларини ва бошқа тасвирларни чиройли қилиб чизилганлигини кўриб, у билан келажакда ҳамкорликда ишлаш истагини билдиради. Бу ёш олим Ал-Фарғонийга билдирилган юксак ишонч эди. Бу учрашув унинг фан соҳасида янада қунт билан ишлашига катта руҳий мадад берди.

Ал-Фарғоний ал-Хоразмий маслаҳати билан ёш илм соҳибларини тўплаб, Дамашқ яқинидаги тепаликка обсерватория биносини қурдириб, илмий ишларга раҳбарлик қилди. Бир йилдан сўнг ал-Хоразмий тавсияси билан у яна Бағдод шаҳрига қайтиб, олимлар гуруҳи билан ҳамкорликда, ер меридиани узунлигини ҳисоблаш масаласи билан шуғулланди. Унинг само ёритгичлари ҳаракати ҳақидаги билимлари шу даражада кенг эдики, у суҳбатларидан бирида яқин кунларда ой тутилишини олдиндан айтган ва у айтган вақтида /841 йилда/ ой тутилиши содир бўлган. Унинг «Фалакиёт илми асослари ҳақида китоби» XII асрда итальян тилида, сўнгра лотин тилида, XIII асрда Оврупадаги бошқа тилларда таржима қилиниб, ғарбий Оврупада Птоломейнинг асарларидан кейин коинотни ўрганишга асосий манба бўлиб хизмат қилган. Олимнинг бу асари «Юлдузлар фани элементлари ҳақида китоб», «Астрономия фани маълумотлари» ва «Коинот ҳаракати ҳақида китоб», «Астрономия китоби ўттиз бўлимда» каби номлар билан ҳам турли вақтларда чоп қилинган. Бу асар календарь, сферик осмон, ернинг шарсимон кўриниши ҳақида, осмон сфераси ўртасида ер шари туриши, ер шари осмон сферасига нисбатан жуда кичиклиги, осмоннинг кўринарли икки хил ҳаракати барча ёритгичларнинг бир кеча-кундуздаги ҳаракати, қуёш, ер ва ёритгичлар айланиши ҳақида, ер ва етти иқлим ўлчамлари, ҳар бир иқлимдаги мамлакатлар ва шаҳарлар исми, кеча ва кундуз вақти, планеталар сферик формаси ва уларнинг жойланиш тартиби, кенглиги бўйича қуёш, ой ва турғун юлдузлар ҳаракати ҳақида ўттиз бўлимдан иборат астрономик маълумотлар кузатиш тажрибалари асосида баён қилинган.

Китобнинг 19-бўлимида турғун юлдузлар, уларнинг катталиги ва турар жойлари ҳақида маълумотлар берилган, Турғун юлдузларнинг ҳаммаси 15 та эканлиги айтилган. Уларни катта ва кичик юлдузларга ажратган. Юлдузлар катталигини унинг ёруғлик даражасига қараб тартиблаштирган. Жами кузатиш мумкин бўлган юлдузлар умумий сони 1022 та бўлган. Китобнинг охирида турли манзилларга доир маълумотларни тартиблаштириб жадвал тузган.

Олим ўз даврида астрономия илми билан бир қаторда юлдузларнинг ўрни ва баландлигини ўлчовчи асбоб астрология билан ҳам шуғулланди. Шунингдек қуёш соатларини ясаш тўғрисида рисолалар ёзди.

Ал-Фарғоний Бағдод шаҳрида бўлганида нафақат Халифа Ал-Маъмун, балки ундан кейинги халифалар даврида ҳам Бағдод олимларининг энг нуфузлиларидан бири бўлган. Хусусан Халифа мутаваккил /846-862 йй./ даврида у Жафария шаҳрига борувчи каналнинг лойиҳасини тузиб, унинг қурилишида энг етакчи лойиҳачи сифатида ҳукмдорнинг эътиборини қозонган. Олим бунда ер таркибининг тузилишини, сувни қайси томонга равонроқ оқизиш мумкинлигини, қайси йўналиш бўйича канал қурилиши давом эттирилса уни тезроқ тугаллаш мумкинлигини ҳисобга олиб, аниқ математик ҳисоблашлар асосида иш тутган.

Колумб кейинчалик ал-Фарғоний назарияларига асосан ер айланасининг узунлигини аниқлайди. Бу маълумотлар муҳим ҳисоблашлардан бўлиб, сув йўли орқали саёҳатга чиқувчилар қанча йўл юриши, ўзи билан қанча юк олиши, қанча одам юклаб саёҳатга чиқиши мумкинлигини олдиндан ҳисоблаш имконини берган. Натижада у 1592 йил сентябрь ойида узоқ сафарга чиқишдан олдин, керакли ҳисоб-китобларни тўла аниқлаб сўнгра йўлга чиққан.

Аҳмад ал-Фарғоний «Фалакиёт илми асослари ҳақида китоб» асаридан ташқари яна кўпгина асарлари бўлган. Улардан бизгача маълум бўлганлари, қуйидаги рисолалари ҳисобланади: I) «Геометрия ва ҳисоб ёрдамида шимолий ва жанубий астурлобни мукаммал ясаш санъати ҳақида»; 2) «Астурлобдан фойдаланиш ҳақида китоб»; 3) «Ал-Фарғоний жадвали»; 4) «Ойнинг ер устида ёки унинг остида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола»; 5) «Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида»; 6) «Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб»; 7/ «Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш».

Ал-Фарғоний раҳбарлигида тайёрланган коинот тузилиши ва ердаги манзиллар тасвирланган харита «Зижи ал-Маъмун» номи билан тарих саҳифаларида алоҳида ўрин олган. Бунда қадимий қўлёзмаларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб, таржима қилган ва улардаги баъзи ҳисоблашларга аниқликлар киритган. Жумладан, Клавдий Птоломейнинг /милоднинг 90-168 йй./ «Синтаксис магеста» асарини чуқур ўрганиб, унинг жадвалида анчагина ноаниқликлар, чалкашликлар, хатолар борлигини аниқлаган. У биринчи марта араб тилида Птоломей таълимоти бўйича ёзган асарларини «Астрономия» номи билан тартиблаштирган. Унинг «география» қисми кўпгина топонимлар (жойлар) ва этнонимлар (қабилалар) номлари билан тўлдирган. Астрономияга доир асарларида географияга катта ўрин берган. Уларда иқлимлар ва мамлакатларнинг ҳудудларини анча аниқликда тасвирлаган.

Ё.САИДОВ,
Бухоро шаҳар
9-касб-ҳунар мактаби
математика ўқитувчиси.

БУЮК ОЛИМ ИҚЛИМЛАР ҲАҚИДА

Ҳозирги вақтда Ер юзасини турли табиий-географик кўрсаткичлар (иқлим, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот олами, ландшафтлар ва ҳ.к.) асосида маълум қисмлар (минтақалар, ўлкалар)га бўлиб ўрганиш шунчалик оддий ҳол бўлганки, улар ҳатто ўрта мактаб дастурларидан ҳам ўрин олган. Бироқ, бу тушунчалар анча қадимда қай тарзда пайдо бўлиб такомиллашганини билиш, унда алломаларимизнинг хизматини аниқлаш фан тарихи учун муҳимдир.

Умуман олганда, аждодларимиз ўзлари яшаб турган сайёра - Ер шарини яхлит тасаввур этиш билан бирга, уни маълум қисмларга ажратиб ҳам ўрганганлар.

Абу Райҳон Беруний «Геодезия» асарида, қадимги эронликлар Ерни етти қисмга бўлганлари ва ҳар бир қисмни «кишвар» деб атаганларини қайд этган. Ерни астрономик услубда, яъни Қуёш нурларининг Ерга тушиши асосида етти иқлимга бўлганлар ва уларнинг чегаралари ёз куни ярим соатдан фарқ қиладиган жойдан ўтган. Ушбу тарзда бўлиш ҳозирги замон география фанида мавжуд географик зоналар тушунчасига мазмунан бирмунча яқиндир. Умуман, «иқлим» сўзи юнонча «клима» сўзидан олинган бўлиб, ер юзасининг қуёш нурларига нисбатан қия тушиши, деган маънони англатади.

Ўрта асрда дунёнинг обод қисми ана шу етти иқлим доирасида жойлашган деб тушунилган. Еттинчи иқлимдан то 63 шарқий кенгликкача бўлган территорияни Ал-Хоразмий «еттинчи иқлимнинг нариёғидаги ерлар» деб атайди. Беруний бу тушунчани бир оз кенгайтирган ва унга аниқликлар киритган.

Аҳмад ал-Фарғоний ҳам шаҳарлар ва мамлакатларни етти иқлимга бўлади. Унинг етти иқлимга бағишланган «Ҳисоб ал-ақолим ас-сабъа» («Етти иқлимни аниқлаш») номли махсус асари ҳам бор. Ал-Фарғонийнинг «Китоб фий ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум» («Самовий ҳаракатлар ва умумий астрономия китоби») номли астрономияга оид машҳур асарида эса, «Ернинг катталиги ва етти иқлим ҳақида» шунингдек, «ҳар бир иқлимдаги мамлакатлар ва шаҳарлар» сарлавҳали махсус боблар берилган. Ал-Фарғонийнинг мазкур асарида шаҳарлар ва мамлакатларнинг етти иқлим тартибидаги қисқача тавсифи қуйидагичадир:

БИРИНЧИ ИҚЛИМ. Зуҳалга тегишли. Шарқдан Син мамлакатининг чеккасидан бошланади; сўнгра денгиз соҳилига Ҳинд мамлакатининг жанубига, ундан кейин эса Яман ерларига ўтади; сўнгра (бу) иқлим Қулзум денгизини кесиб Ҳабаша мамлакатига, Миснинг Нил (дарёсини) кесиб Мағриб ерига ўтади ва Барбарлар мамлакатининг жанубида Ғарбий денгизга етиб тугайди.

ИККИНЧИ ИҚЛИМ. Муштарийга тегишли. Шарқдан бошланади ва Син мамлакатига, ундан кейин Ҳинд, Синд мамлакатларига, ҳамда Қулзум денгизини кесиб Саъиди Мисрга, Нил дарёсини кесиб, ғарбга, яъни Ифриқия ва Барбар мамлакатларига ўтади ва Ғарбий денгизга етиб тугайди.

УЧИНЧИ ИҚЛИМ. Миррихга тегишли. Шарқдан бошланади ва Син мамлакатининг шимолидан ўтади; Ҳинд мамлакатидан Басра денгизи соҳилларидан ўтади; сўнгра Миср ерининг этагига етади; сўнгра Барқа вилоятига ундан кейин Ифриқийя ўлкасига ўтади; Бу ерда Қайрувон шаҳри жойлашган. (Бу иқлим) Мағриб денгизига етиб тугайди.

ТЎРТИНЧИ ИҚЛИМ. Қуёшга тегишли. Машриқдан бошланиб, Хуросонга ўтади; сўнгра аш-Шомнинг шимолидан ўтади; сўнгра Мағрибзаминга, Танжа вилоятига ўтади ва Мағриб денгизида тугайди.

БЕШИНЧИ ИҚЛИМ. Зуҳрага тегишли. Машриқдан Яъжуж ўлкасидан бошланади, сўнгра Хуросонга ўтади. Ундаги шаҳарлар: ат-Тароз, Навонжкат, Хоразм, Исбижоб, аш-Шош, Тарорбанд, Озарбайжон, Бардаъа. Ундан кейин Рум мамлакати ва Шом денгизи соҳилларига ўтади, ундан сўнг Андалис мамлакатига ўтиб, Мағриб денгизига етиб тугайди.

ОЛТИНЧИ ИҚЛИМ. Уторудга тегишли. Машриқдан бошланади ва Хазар мамлакатига ўтади, Журжон денгизининг ўртасидан кесиб ўтиб, Рум мамлакатига етади; Мағрибда денгизда тугайди.

ЕТТИНЧИ ИҚЛИМ. Ойга тегишли. Машриқдан Яъжуж ва Маъжуж ўлкасидан бошланади. Сўнгра Турк мамлакатидан, Журжон денгизи соҳиллари шимолидан ўтади. Шундан сўнг Рум денгизини кесиб ўтиб, Биржон вилояти ва Сақолабадан ўтади ва Мағриб денгизида тугайди.

Омонулло БЎРИЕВ,
Ўз ФА Шарқшунослик институти Манбашунослик бўлими мудири,
тарих фанлари номзоди.

МИНГ ЙИЛЛИК АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Алломалар орасида Аҳмад ал-Фарғоний ўзига хос ўрин эгаллайди ва у фан оламида салмоқли из қолдирган буюк ҳамюртларимиздан биридир. Унинг география ва иқлимшунослик бўйича қолдирган мероси бугун ҳам ниҳоятда қадрлидир. Аҳмад Фарғоний сув илми-гидрология фанининг ҳам катта билимдони бўлган. Унинг бошчилигида Нил дарёсида қурилган сув ўлчаш иншооти ҳамда бу иншоотнинг бизнинг давримизгача, яъни 1150 йил давомида ишга яроқли ҳолда етиб келганлиги бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Ушбу мақолада буюк олимнинг сув ўлчаш иншооти - «Миқёс ан-Нил» ҳақида имконият даражасида фикр юритамиз.

Дарҳақиқат, инсониятни асрлар давомида ҳайратга солиб келаётган меъморий ёдгорликлардан бири Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчаш қурилмасидир. Мазкур иншоот Аҳмад Фарғоний илмий меросини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг деярли барчасида «Аҳмад Фарғоний 816 йилда халифа ал-Мутаваккилнинг кўрсатмаси билан Нил дарёси суви сатҳини ўлчайдиган иншоотни қуриш (айрим манбаларда таъмирлаш) ва ишга тушириш учун Фустот (ҳозирги Қоҳира) шаҳрига борган» тарзида ёдга олинади.

Ўлкамиз сув илми тарихида Аҳмад Фарғоний ва унинг буюк замондошлари ака-ука Хоразмийлар, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Сарахсий ва бошқалар яшаб ўтган IX аср муҳим давр бўлди. Ўша вақтдан бошлаб ўлкамизда ва умуман ислом оламида илм-фан, маданият жадал ривожлана бориб, қурилиш, ободонлаштириш ишлари кенг миқёсда амалга оширила бошлайди.

Ҳалифа Маъмун олимларга осмоннинг ва дунёнинг батафсил хариталарини тузиш тўғрисида топшириқ берган. Бу ишларни амалга ошириш билан 70 га яқин олимлар шуғулланган бўлиб, уларга Аҳмад Фарғоний ва ал-Хоразмийлар бошчилик қилишган. Натижада IX аср ўрталарида «Маъмун дунё харитаси» юзага келади. Унда Нил ҳавзасининг, денгизлар қирғоқлари турли шаклларининг чизмалари, Азов ва Қора денгиз хариталари берилган.

Ўша даврларда ўлкамиз ҳудудида дарёлардаги сув миқдорини аниқлаш ва шунга боғлиқ ҳолда бўлажак ҳосилни башорат қилиш мақсадида дарёларда махсус сув ўлчаш ишлари амалга оширилган.

Аҳмад Фарғоний яшаган даврда сув илмининг амалий татбиқига ҳам катта аҳамият берилган.

Сув объектлари ҳақидаги гидрографик маълумотлар, дарёларда сув ўлчаш ишларининг амалга оширилиши, тўғонлар ва бошқа турдаги сув иншоотлари (каналлар, нов-акведуклар)нинг қурилиши аллома яшаган ва ундан олдинги даврлардаёқ ўлкамизда сув илми ҳамда унинг амалий тадбиқининг юксак даражада ривож топганлигидан дарак беради.

Аҳмад Фарғоний ўз даврининг етук олими сифатида, албатта, мазкур илм манбаидан хабардор бўлган ва ўз навбатида уларни Нил дарёсидаги ноёб сув ўлчаш қурилмаси - «Миқёс ан-Нил»ни лойиҳалаш, қуриш ҳамда ундан амалий мақсадларда фойдаланиш учун тавсиялар беришда моҳирлик билан қўллаган бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда араблар Мисрни босиб олгунга қадар маҳаллий аҳоли томонидан Нил дарёсида сув сатҳи ўзгаришларини кузатиш ишлари амалга оширилганми?- деган ҳақли савол туғилади. Ҳа, Нил дарёсида сув сатҳини ўлчаш ишлари милоддан олдин 3500-3000 йилларга бориб тақалади.

Гидрология тарихидан маълум бўлишича, мисрликлар ўша даврлардан бошлаб Нил дарёси суви сатҳини асосан қуйидаги икки хил усул билан: 1) дарё қирғоғидаги тик қоятошларга махсус белгилар қўйиш; 2) қирғоққа мустаҳкам ўрнатилган қозиқлар ёки тош зинапоялардан фойдаланиб ҳисоб олиш билан кузатганлар. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сув сатҳини аниқ ўлчашга имкон берадиган учинчи турдаги қурилма, яъни Равас оролидаги «Миқёс ан-Нил»га ўхшашлари ундан олдин ҳам, кейинги даврларда, ҳатто ҳозирги кунда ҳам учрамайди.





«Миқёс ан-Нил» тавсифидаги охирги маълумот, яъни иншоот деворларига ёзилган ислом динига оид муқаддас битиклар алоҳида эътибор билан таҳлил қилишни тақозо этади. Муқаддас ёзувлар, яъни Қуръони Карим оятларидан намуналар иншоот қурилиши даврида битилган бўлиши керак ва бу усул ислом оламида урф бўлганлиги ҳаммага маълум.

«Миқёс ан-Нил» нафақат сув сатҳини ўлчаш иншооти, балки, ноёб меъморий ёдгорлик ҳам ҳисобланади. Шуни назарда тутадиган бўлсак, иншоотнинг қурилиши ва меъморчилиги билан билан боғлиқ бўлган муаммоларни, жумладан уни лойиҳалашдан тортиб, қурилиш ишларигача қай йўсинда амалга оширилганлиги, қандай қурилиш материалларидан фойдаланилганлиги ҳамда уларнинг ечимини топишга оид ўта мураккаб муҳандислик ҳисоб-китоблари каби масалаларни ёритиб беришни шу соҳа мутахассисларининг вазифаси деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда Аҳмад Фарғоний «Миқёс ан-Нил»нинг лойиҳасини тайёрлаш ҳамда уни қуриш ишларига тайёргарлик кўриш даврида Нил дарёси ҳақида ўзигача тўпланган бирламчи гидрологик маълумотларни таҳлил қилган ва улардан иш жараёнида фойдаланган бўлиши аниқ. Шу билан бирга учинчи манба ҳам аллома назаридан четда қолмаган, яъни унинг ўзи ҳам Нил дарёсида махсус кузатув-ўлчов ишларини бажарган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Зеро, сув сатҳини жуда аниқ ўлчашга имкон берадиган қурилмани бунёд этиш ана шундай ўлчов ишларини пухта билишни тақозо этади.

Аҳмад Фарғоний яъни иншоот тизимидаги қудуқ, уни дарё билан туташтирувчи ер ости сув йўллари, ўлчов устуни ҳамда унинг сантиметр аниқликдаги бўлакларга бўлиниши кабиларнинг барчасини биргаликда ҳисобга олиш билан дарёда сув сатҳини «Миқёс ан-Нил» ёрдамида катта аниқликда ўлчаш масаласини ижобий ҳал этган.

Бундан қарийб 1150 йил муқаддам қурилган иншоотнинг сув ўлчаш аниқлиги ҳозирги кунда нафақат у ҳақида хабардор бўлган кишиларни, ҳатто шу соҳа мутахассисларини ҳам лол қолдирмоқда. Масалан, англиялик сувшунос олим А.К.Бисвас «Миқёс ан-Нил»нинг сув сатҳини ўлчаш аниқлигига тан бериб, «бу қурилма Нил дарёси суви сатҳини ўта аниқ ўлчаган» деб ёзади.

Сув сатҳини Аҳмад Фарғоний таклиф этган сантиметр аниқликда ўлчаш усули ҳозирги кунда дунё миқёсида қўлланилади. Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ЖМТ) га аъзо бўлган барча давлатларда сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, ҳатто денгизлар ва океанлар)нинг сув сатҳлари ҳам шу аниқликда ўлчанади.

Аҳмад Фарғоний дарёларда сув сатҳини аниқ ўлчаб бориш, улар сувидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни ҳал этиб беришда қўл келиши мумкинлигини тўла тасаввур этган. Шу туфайли аллома сув ўлчаш иншоотини лойиҳалаш, қурилиш ишларига бош қош бўлиш ва уни фойдаланишга топшириш билан чекланиб қолмаган. Ундан амалий мақсадларда фойдаланиш учун махсус қўлланма-«Миқёси жадид»ни ишлаб чиққан.

Афсуски ҳозирги кунда қўлланманинг ҳажми, унда нималар баён қилинганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин «Миқёс ан-Нил»нинг қарийб XII асрлик иш фаолияти даврига оид ҳамда бевосита унинг ўзига бағишланган манбаларда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги фикрларни билдириш мумкин. «Миқёси жадид» сув ўлчаш иншоотидан амалда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни ҳал этишга имкон берадиган ўз даврига хос жадваллар, кўрсатмалар, тавсияномалар мажмуидан иборат бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

«Миқёс ан-Нил» ёрдамида 622 йилдан 1946 йилгача бўлган оралиқда Нил дарёси суви сатҳини кузатиш бўйича тўпланган қатор гидрология фани тарихида энг узун қатор сифатида тан олинади. Уни чуқур таҳлил қилиш натижасида дарёларнинг сувлилик даражаси давр(цикл)ларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, «Миқёс ан-Нил» қурилгунга қадар солиқ тизимида ноҳақликлар ҳукм суриб келган. Аҳмад Фарғоний Нил дарёсининг «Миқёс ан-Нил» бўйича аниқланган сув сатҳи билан ҳосилдорлик орасидаги боғланишни объектив баҳолаб, ана шундай ноҳақликларнинг олдини олган. Тележурналист М.Обидов Мисрга қилган сафари чоғида қоҳиралик олимларнинг бу ҳақда билдирган фикрларини қуйидагича шарҳлайди. Суҳбат аллома ҳақида борганда улар «Аҳмад Фарғоний «Миқёс ан-Нил»ни қуриш билан XII асрдан буён фаолият кўрсатаётган адолат тарозусини ўрнатиб кетган» деган фикрни миннатдорлик туйғуси билан изҳор этганлар.

Аҳмад Фарғоний илмий ва амалий фаолиятининг бир томчиси бўлмиш «Миқёс ан-Нил» шоирларга ҳам илҳом бағишлаган. Масалан, буюк В.Шекспир ўзининг «Антоний ва Клеопатра» асарида уни қуйидаги мазмунда мадҳ этади:

Унда ҳар йили сув сатҳин борур кузатиб,
Хулоса қилурлар ва унга қараб,
Нима кутилмоқда - очлик, тўкинлик?
Аниқдир, Нил тошса, ҳосил шунча мўл.

Иншоотнинг қарийб 1200 йиллик вақт синовларидан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганлиги ва ҳозирги кунда ҳам ундан бемалол фойдаланиш мумкин бўлганлигининг ўзиёқ алломанинг илм-фаннинг, шу жумладан сув илмининг буюк намоёндаси бўлганлигининг ёрқин гувоҳидир.

Ф. ҲИКМАТОВ,
география фанлари номзоди,
М.Улуғбек номидаги
ТошДУ доценти.
Д. АЙТБОЕВ,
илмий ходим.



Олмалиқ шаҳри йилдан йилга кўркамлашиб бормоқда. Кўплаб маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда. Яқинда шаҳар марказида нон цехи фойдаланишга топширилди.

Суратда: ишчи Феруза Жоникулова: цехнинг умумий кўриниши.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

ШИКАСТА ҚАЛБЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

Файзли хонага кириб борганимизда йигирма нафарга яқин ўғил ва қизлар телевизор томоша қилишарди. Тарбиячиларнинг болалар тақдиридан сўзлаган ҳаяжонли фикрлари қалбимизни жунбушга келтирди. Бир оила аъзоларидек шодон давра қурган бу умри азизларга осон бўлмаган. Бирлари ота-онадан етим қолган, иккинчиси оилавий жанжаллардан безор бўлиб, ўзини кўчага урган, тақдир сўқмоқларида адашганлардир.

Тошкент вилоятида ягона - ички ишлар бошқармасига қарашли вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасида кўнгли ўксик болалар алоҳида меҳр-мурувват билан қуршаб олинган. Муассаса бошлиғи, милиция майори Маъруфжон Юсуповнинг таъкидлашича, бир йилда бу каби болалардан 500-600 нафари «меҳмон» бўлишаркан.

Турли республика, қўшни шаҳарлар ва туманлардан вилоятимиз ҳудудига келиб қолган болалар шу ерга олиб келинади, - дейди суҳбатдошим. - Мақсад уларнинг қорнини тўйғазиб, уйларига ёки мактаб-интернатларга кузатиб қўйишдан иборат эмас. Балки анъаналаримизга кўра, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, бахтли келажагини таъминлашдир. Шу боис, жамоага малакали ўқитувчилар, олий маълумотли юридик мутахассислар жалб қилинган. Тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берилади. Милиция майорлари Илья Ким, Абдужалил Абдусатторов, милиционер Мирабзал Мирзараҳимов ўғил ва қизларни ўз фарзандларидек кўришади. Тақдирлари кўнгилдагидек кечиши учун бор имкониятни ишга солишади.

Иккинчи қаватга кўтариламиз. Хоналар озода, саранжом- саришта, гуллар ҳиди уфуриб турибди. Болалар махсус тарбиявий дарсларни шу ерда ўтадилар. Уларга уч маҳал иссиқ овқат берилади, кўнгилдагидек дам олишлари учун барча имконият муҳайё қилинган. Буларнинг ҳаммаси республикамиз раҳбарияти, халқимизнинг нақадар болажон эканлигини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Жазони ўташ муассасасидаги бир неча ўсмир билан ўтказилган суҳбат видеотасмада бу ердаги болаларга намойиш этилди. У катта наф келтирди. Шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари жойларда турли мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар уюштириб, телевидение имкониятларидан унумли фойдаланадиган бўлдилар.

Болаларга синчков тикилар эканмиз, кунгилдан бир фикр кечди: ота-она меҳрига тўймаган бу болажонларда нима айб? Ахир улар ҳам она Ватанимизнинг юз минглаб фарзандлари сингари келажагимиз мевалари эмасми?! Тўғри, улар ҳеч қачон кам бўлишмайди. Ҳукуматимиз уларга ҳамиша ғамхўру меҳрибон. Бироқ ҳаёт гули, умр меваси бўлган фарзандларини шу кўйга солганлар наҳотки виждонан қийналишмаса? Шубҳа йўқ, фарзандини сарсон-саргардон қилганлар бир вақти келиб яна болам деб қолишади, аммо ўшанда нуридийдаларининг уларга нисбатан муносабати қандай бўларкин?

Ўтган йили муассасада 570 нафар ўғил ва қиз тарбияланди. Улардан 482 нафари уйларига кузатилиб, қадрдонларига топширилди. Баъзилари эса мактаб-интернатлар ихтиёрига ўтказилдилар.

Баъзи бир муаммолар ҳам ҳамжиҳатликда ҳал этилаяпти. Масалан, Россия, Қозоғистон ёки бошқа республикалардан келиб қолган болаларни оилаларига жўнатиш учун маблағ керак. Бу борада вилоят «Камолот» жамғармаси, Янгийўл шаҳар ҳокимлиги яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ.

Пиру бадавлатларимиз

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Сочлари қордек оппоқ, бироқ нигоҳлари ҳали ўткир момо бизга пешвоз чиқди:

- Келинглар болаларим, келинглар!

Қаршимизда қадди расо бўлмаса-да, лекин фикрлари тийран, гаплари бурро-бурро, аср юкини шу кичик жуссасида кўтарган момо турарди. Кўзларидан меҳр учқунлари ёғилиб турган бу табаррук инсон Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» жамоа хўжалигида истиқомат қилади.

- Бир умр кетмон чопдим, деҳқончилик билан суягим қотди. Энди билсам, одамни меҳнат овунтираркан, уй-ташвишлардан қутқараркан. Ҳалиям уйда ўтиргим келмайди. Қанийди, худо куч-қувват берса-ю, ана шундай обод ва озод юртга хизмат қилсам армоним қолмасди,- дейди юз ёшли Ойтўхта момо Жумаева.

Қалби бир умр эзгуликка йўғрилган момо тўрт фарзанд, йигирма етти набира ва 16 чевараси қуршовида бахтиёр кексалик гаштини сураётир. Бугунги дориломон замондан, фарзандларидан кўнгли тўқ.

Яқинда вилоят ҳокимининг қарори билан юз ёшдан ошган қарияларга ижтимоий ёрдам сифатида олаётган пенсияларига ҳар ойда яна ўртача бир ойлик иш ҳақи миқдорида устама пул бериладиган бўлди.

«Навбаҳор» туманида айни пайтда юздан ошганлар ўттиз нафардан зиёд. «Наврўз» жамоа хўжалигидан Асал Жунаева, «Навбаҳор» жамоа хўжалигидан Холжон Жўраева, «Зарафшон» жамоа хўжалигидан Маҳаррам Соҳибова, «Гигант»лик Шобиби Гуловалар ҳам юз ёшга тўлдилар.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Яқинда Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида «Оила - ҳаёт қўрғони» мавзуида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан ўтказилган бу тадбирга 80 минг сўм ажратилди.

Тадбирда вилоятнинг барча туманларидан оилавий сулолалар иштирок этдилар. Айниқса, Навоий шаҳридан Мансеровлар, Конимех туманидан Нормуродовлар, Навоий туманидаги Шариповлар, Кармана шаҳридан Ҳотамовлар оилавий сулолаларининг ҳаёт йўли кўпчиликка ибрат эканлиги учрашув иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

Ушбу қизиқарли тадбирда касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг раиси Светлана Махнева ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг муовини Марианa Бахриевалар иштирок этдилар.

Учрашув сўнгида давра иштирокчилари бир пиёла чой устида қизғин суҳбат қурдилар. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ.

Жиноятчининг икки юзи қора

ХУФЯ ЦЕХ

Шуҳрат эндигина икки шиша қўлбола ароқни пуллаб 400 сўмни чап киссасига ураётган эди, рўпарасида уч нафар солиқчи пайдо бўлиб қолди.

Бундай учрашувни у кутмаган эди. Қўлбола ароқларни тез-тез сотаман-у жуфтакни ростлаб қоламан, деб ўйлаган эди. Акси бўлди — Сирдарё шаҳар Қамаристон мавзесидаги деҳқон бозорини кўздан кечириб юрган солиқчилар унинг олдидан чиқиб қолишди.

Қўлбола ароқлар Шуҳратнинг шаҳар яқинидаги Беш капа қишлоғида истиқомат қилувчи амакиси Султонмурод Шодмонқуловнинг уйида жойлашган махфий цехда тайёрланган экан. Солиқчилар хуфя цехни кўздан кечиришганида яна сотувга тахт қилиб қўйилган 235 шиша ароқ, 50 литр спирт, 1005 дона шиша қопқоғи, спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган металл мосламалар, 300 та бўш шиша чиқди.

Иккинчи томонда эса Туркияда ишлаб чиқарилган салкам 6 тонна шакар босиб қўйилган эди.

Солиқчилар қўлбола ароқларга ёпиштирилган акциз маркаларини ҳам диққат билан кўздан кечириб чиқдилар. Махсус асбоб уларнинг қалбаки эканлигини билдирди.

Шундан сўнг текширувлар яна ҳам чуқурлашди. Омборхонадаги бошқа жиҳозлар ҳам бирма-бир кўздан кечириб чиқилди. Шунда солиқчиларнинг кўзи қоплар тагига яшириб қўйилган 16 калибрли ов милтиғига тушди. Милтиқ ҳеч қандай ҳужжатсиз сақланаётган экан. Дарҳол милицияга хабар берилди.

Сирлар ошкор бўлгач, Султонмурод аканинг кўз олди қоронғулашиб кетди. Аламини кимдан олишни билмай у ёқ, бу ёққа аланглади. Шунда кўзи Шуҳрат Шодмонқуловга тушди. У ҳам бир чеккада мунғайиб турарди.

— Қовун туширдинг, жиян, — деди ниҳоят Шуҳратга ўқрайиб. — Топган тутганим энди ҳавога совриладиган бўлди.

— Сувники сувга, ўтники ўтга деганлари шу экан-да, амаки, — деди Шуҳрат ҳам минғиллаб.

Сирдарё вилояти солиқчиларининг иккинчи гуруҳи шу кезларда Бахт шаҳрида солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб юрган кимсаларни ва ғайриқонуний даромад манбаларини аниқлаш билан банд эди. Шунда улар қандолат маҳсулотлари, конфет ва шоколадлар ишлаб чиқарувчи хуфя цехнинг изини топдилар.

Цехни ишга туширган шоввозлар ҳаш-паш дегунча 155 минг 394 сўм соф даромад қилишга улгурган эканлар. Лекин хуфя даромаддан бир сўм ҳам солиқ тўлашмаган эди.

Солиқчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан хуфя цехнинг 34 номдаги дастгоҳ ва ускуналари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Цех ташкилотчиларига нисбатан жиноят кодексининг 190, 188-моддалари билан жиноий иш қўзғатилди.

Ташкилотчилар етти киши эди. Уларнинг уч нафари — Абдужаббор Абдуллаев, Абдуҳошим Топганов ва Алишер Холиқов ҳозир қўлга олинган. Қолганлари эса қочиб юрибди. Барибир улар жазодан қочиб қутилолмайдилар. Бунга ишончимиз комил.

Ж. НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
Матбуот хизмати раҳбари

Касаба уюшмаси ташаббуси билан

ШОҲСУПАДА ФАРҒОНАЛИКЛАР

Ривоят қилишларича, Луқмони Ҳаким олдига рангсиз, ҳолсизликдан оёққа зўрға турган бемор келиб, дардига даво сўрабди. Табиби бузрук обдон уни текшириб, бош чайқабди, холос. Ҳеч қандай дори-дармон тўғрисида оғиз очмабди ҳам. Бундан руҳи тушган ва айни вақтда дили ранжиган бемор «қазо соатим ҳам келибди-да» дея кўп қайғурибди. Шунда Луқмони Ҳаким кулимсиб, ҳалиги кишига кенг далани югуриб бир айланиб чиқишни буюрибди. Бемор шундай қилибди. Қаро терга ботиб кетибди. Аммо табиблар устози беморга яна ва яна югуришга даъват қилаверибди. Бир ҳафта ўн кун шу ҳол такрорланибди. Ана ўламан - мана ўламан, деб бемор шунда ҳеч нарса бўлмаган каби, икки юзи нақш олмадек бардам ҳолда уйга қайтибди...

Бу бир ривоят, албатта. Лекин замондошларимиз бўлмиш шифокорлар ҳам фаол ҳаракатда бўлишликни тавсия қилишади. Ҳар бир киши кунига камида 5-6 километр яёв юриши лозим. Турли асаб ва қон айланиш билан хасталиклардан сақланишнинг энг осон ва арзон йўли шу эканлигини ушбу дардларни бошдан кечирган кишилар яхши билишади.

Нега бу гапларни айтаётирмиз? Гап шундаки, гарчанд кейинги пайтларда мамлакатимиз спорт довруғи дунё бўйлаб парвоз этмоққа бошлаган бўлса-да, оммавийлик масаласида оқсоқлик сезилаётир. Афсуски, касаба уюшмаларида бу йўналишда амалга оширилган ишларда ҳам талай камчиликлар мавжуд. Хусусан, спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчилар сони камайиб бораётир. Аслида бунинг учун одамлар айбдор эмас. Эътиборсизлик ва имкон бўлган жойларда эса боқибеғамлик туфайли кўплаб иқтидорлар ўз иш жойларини ташлаб кетишди. Боз устига моддий-техника базасининг бугунги аҳволи замон талабларига жавоб бермайди. Корхона ва ташкилотларда эса ишлаб чиқариш гимнастикаси билан деярли шуғулланмай қўйилган.

Беихтиёр савол туғилади: нега шундай ҳол юз берди? Жавоби оддий. Гап шундаки, тўқсонинчи йилларнинг бошларида касаба уюшмалари ҳаракатида касаба уюшмалари ходимларининг соғломлаштириш ишлари билан шуғулланишлари шарт эмас, деган фикр ўртага ташланган эди. Оқибати эса маълум. Шу боисдан Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг ёзда бўлиб ўтган қурултойида шундай дейилган эди: «Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатадики, ўтиш даврида касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятини сақлаб қолишгина эмас, балки бу йўналишдаги ишни республика касаба уюшмалари ҳаракатининг устувор йўналишларидан бири деб билиш керак».

Бунинг учун ишни нимадан бошлаш даркор? Энг аввал жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, молиявий масалаларни ҳал этиш зарур. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини қабул қилишда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини ишга қабул қилиш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт орқали соғломлаштириш ишларини талаб даражасида ташкил этишга йўналтирувчи алоҳида бўлим киритиш лозим.

Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, қурултой натижалари ўлароқ жойларда бироз жонланиш сезилмоқда. Истиқлолимизнинг етти йиллигига бағишлаб Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати корхона ва ташкилотлари аро тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг Кўчма соврини учун биринчи спартакиадаси бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Тошкент ГРЭСи стадионида ўтказилган спорт анжумани финал қисмида вилоятлар ва Тошкент шаҳри мусобақалари ғолибларидан ташкил топган II команда иштирок этди. Бошқача қилиб айтганда 350 киши спортнинг футбол, волейбол (эркаклар ва аёллар), шахмат ва шашка бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Футбол бўйича Самарқанд вилояти, Шахмат бўйича Чирчиқ шаҳрининг «Электркимёсаноат» командаси шашка мусобақасида эса Фарғона вилояти жамоаси ғолиб чиқдилар. Волейбол бўйича баҳслар ҳам қизғин курашлар остида ўтди. Эркаклар ўртасида фарғоналиклар, аёллар ўртасида эса ТашГРЭС командасига омад кулиб боқди. Умумкоманда ҳисобида юқори кўрсатгичга эришган Фарғона вилояти терма командаси шоҳсупага кўтарилди.

Ғолиблар ва совриндорлар қимматбаҳо мукофотлар, эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Ниёзхўжа ТЕШАБОЕВ,
«Нурчи» республика кўнгилли жисмоний соғломлаштириш ва спорт жамияти раиси.

Ҳар тўғрида

ЛАҚМАЛИК ОҚИБАТИ

Фаластинлик 37 яшар Сабра ал-Асна вужудига жинлар ўрнашиб олиб, унга тинчлик бермаётганлиги ҳақида танишбилишларига шикоят қиларди. Улардан бири сеҳргарга бориш кераклигини айтди. Шундан кейин у Фаластиндаги машҳур сеҳргар Мустафо Мухсейн ҳузурига борди. У бемордан нима безовта қилаётганлигини суриштириб билгач, дарҳол даволашни бошлаб юборди. «Жинлар» қайсарлик қилиб ҳа деганда чиқавермагач, сеҳргар беморни таёқ билан уриб уларни ҳайдай бошлади. У ўз ишига шундай берилиб кетган эдики, калтакнинг зарбидан бемор ҳушидан кетганини ҳам билмай қолди. Шошилинч чақирилган дўхтирлар ҳамноилож қолдилар. Бемор жон таслим қилган эди.

НАВБАТ ҚУЁШНИНГ ШАМОЛИГА...

Афтидан Американинг космоснинг тадқиқ қилувчи маркази (НАСА) коинотдаги планеталарни чуқурроқ ўрганишга қаттиқ бел боғлаган кўринади. Шу мақсадда марказ 2006 йилгача тадқиқ қилувчи аппаратларнинг бир нечтасини юбормоқчи. Бу аппаратлар кометалар тузилиши, юлдузлардаги чанг, Марс қатламининг намунаси ва ҳатто қуёшнинг шамоли ҳақида маълумот тўплайдилар.

НАСАнинг узоқ муддатга мўлжалланган астробиологик программасига мувофиқ «Кассани» аппарати Сатурн томон йўл олган. Шу йилнинг декабрида Марсга учувчисиз экспедиция жўнатилади. «Галилей» лойиҳасига кўра Юпитернинг йўлдоши тадқиқ қилинади. «Генезис» аппаратида қуёш шамоли ўрганилиб, Плутон томон учирилади. Буларнинг ичида энг қизиқарлиси океаннинг энг туби - ернинг қобиғида ҳаёт шаклини ўрганиш учун уюштириладиган экспедициядир.

УНУТИЛАЁТГАН СОЗ

Оғизда чалинадиган гармонча ҳақида кўпчилик билади. Бироқ бу ажойиб мусиқа асбобига ҳозирча қизиқиш сусайгани аниқ. Шунга қарамай баъзи одамлар ичида унга иштиёқмандлари ҳам топилади. Масалан, Хитойдаги «Шарқ» коллекционерлар жамиятининг аъзоси Ли Цзяо худди шундай гармончаларни тўплашга киришди. Ҳозирнинг ўзида унинг уйида мингдан ортиқ бу мусиқа асбоблари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида ноёблари ҳам талайгина. Масалан, узунлиги жиҳатидан дунёда кам учрайдиган бўйи 52 см бўлган гармонча ҳам бор. Ли Цзяо ўзининг коллекциясини турли жойларда намойиш этмоқда, деб хабар босган «Хитой» журнали.

Шоира
ҲАМИДХЎЖАЕВА
тайёрлади.

Юртимиз неъматлари

БУЯН ТОМИРИ ХОСИЯТИ

Буян (Қизилмия) томири азалдан турли дори-дармонларни яратишда муҳим рол ўйнайдиган хом ашё ҳисобланади. Шунингдек, мазкур ўсимлик томири металлургия ва химия саноатида ҳам кенг фойдаланилади. Буян асосан Оролбўйида, Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот, Кегейли ва Нукус туманларида ўсади. Уни парвариш қилиш, томирини тайёрлаш иши билан «Қорақалпоқбуян» деҳқончилик саноати фирмаси жамоалари шуғулланади. Мазкур ташкилот бу йил ўзининг 35 йиллигини нишонламоқда. Биз фирма бошлиғи Султонмурод Қанёзовдан халқ хўжалиги учун ғоят зарур бўлган хом ашё етиштиришда олиб борилаётган ишлар, хорижлик сармоядорлар билан алоқалар, бу борадаги келгуси режалар тўғрисида гапириб беришини илтимос қилдик.

- «Қорақалпоқбуян» деҳқончилик фирмаси ташкил топган давридан буён катта кўламдаги ишларни бажарди. У пайтларда корхонамиз «Союзлакрица» деб аталиб, маркази Туркманистоннинг Чоржўй шаҳрида жойлашган эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, фирмамиз фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Жамоамиз тўла мустақилликка эга бўлди. Асосан буян (қизилмия) ўсимлигини парваришлаб боришга жамоамизга доимий фойдаланиш учун 12 431 гектар ер ажратилган Буян томирини ишлаб чиқарувчи ва тайёрловчи 6 та бригада иш олиб боради.

Ўтган йили 64 ярим миллион сўмлик томир тайёрладик. Шундан 24 миллион сўм фойда қилинди. Соф фойда эса 21,5 миллион сўмга етди. Умуман ўтган йилни дуруст якунлаб, барча жамоа аъзоларимизга етарли ишлаш ва яшаш шароитлари яратиб берилиши натижасида амалдаги йилда ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритдик.

Мақсадларимиз янада катта. Буян ўсимлиги хом ашёни йиғиб олиш ишларини ўтган йилга нисбатан 500 тоннага орттириш ниятида астойдил иш юргизилмоқда. Шу мақсадда буян плантациялари 120 гектарга кенгайди. Демак, корхонамиз йил давомида 4000 тонна буян томирларини ишлаб чиқариши ва бир ярим минг тонна кондицияланган томир хом ашёсини тайёрлаши керак.

- Хорижликлар билан ҳамкорлик хусусида ҳам тўхталсангиз.

- Ҳозир бизнинг маҳсулотларни кўпгина хорижий мамлакатлардан келиб харид қилишаяпти. Амалдаги йилда шартнома бўйича асосий харидоримиз АҚШнинг «Мафка корпорейшн» фирмаси ҳамда Жанубий Кореянинг «ДЮ-ДЕ-ИИ и Н» фирмалари ҳисобланади.

Шу билан бирга корхонамизнинг кескин ривожланиши мақсадида истиқболни кўзловчи қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Жумладан, Нукус шаҳрида буян томирини қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган махсус корхона қурилиши учун АҚШнинг «Махандрюс Форбес Компани» фирмаси билан ҳамкорликдаги корхонани ташкил этиш бўйича амалий мулоқотлар ниҳоясига етди. Бу масалани ҳал этишдаги биринчи босқич-буян ўсимлигининг қуюқ экстрактини тайёрловчи корхона қурилиши ҳисобланади. Лойиҳанинг амалга оширилишига бир миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция жалб этилади, 12 фоиз намликдаги 900 тонна буян томири қайта ишланади, энг муҳими, 150 ишчи ўрни вужудга келади. Шундай қилиб, асосий буян томири заҳираси ҳисобланган Оролбўйи жамоалари хорижга хом ашё эмас, балки тайёр товар етказиб бериш имконига эга бўлади. Лойиҳани ҳаётга тадбиқ қилиш учун сарфланган маблағ эса узоғи билан икки йилда ўзини қоплайди.

- Ишлаб чиқариш илғорлари кимлар?

- Буян томирини етиштиришда Давлатбой Пирлапесов бошқараётган бригада аъзолари доимо пешқадамлар сафида келмоқда. Шунингдек, кранчи Ойгул Ниетуллаева, пресслаш цехи бошлиғи Жумабой Мунназаров, 5-бригада аъзолари Гулистон Есемуратова, Сапарбой Давлетовларнинг шонли меҳнатлари жамоа иқтисодини кўтаришга хизмат қилаётир.

Суҳбатдош:
Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси маҳкама собиқ ходими

ЗУҲРА-ХОНИМ ШЕРОВНА ҲАСАНОВАнинг

бевақт вафот этгани муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир:
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10,
Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43,
Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.30

Буюртма Г— 0421. Нусхаси — 15.088. Масъул навбатчи: Зайниддин РИХСИЕВ 1 2 3 4 5 6